

# O'zbekiston adabiyoti va san'ati



1956-yil 4-yanvardan chiqqa boshlagan

ADABIY-BADIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, IJTIMOY GAZETA

2023-yil 3-mart / № 8 (4719)

## “МЕН СЕНДАЙИН МЕЗБОННИ ТОПМОҒИМ ГУМОН”

Ўзбек – озарбайжон адабий алоқаларига бир назар

Халқларимиз ўртасида дўстлик ришталарини мустаҳкамлашда, миллий адабиётларни риожлантиришда адабий алоқаларнинг ўрни бекиёс. Ўзбек адабиётини дунёга тарғиб қилиш, жаҳон адабиётининг энг яхши намуналарини ўзбек тилига ўгириш бугун ҳар донмгидан ҳам долзарб. Ўзбекистонда бу масалага давлат миқёсида аҳамият берилган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини ўзбек тилига ҳамда ўзбек адабиёти дурдоналарини чет тилларга таржима қилиш ва нашр этиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги 2018 йил 18 майдаги қарори бу соҳанинг янада ривожланиши учун замин яратди. Тошкентда 2018 йил 7–8 август кунлари “Ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусида ўтказилган халқаро илмий-амалий конференция бунинг яққол далилидир. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ташаббуси билан уюштирилган бу илмий-анжуманда қирқка яқин хорижий мамлакатлардан вакиллар қатнашди. Уларнинг маърузалари китоб ҳолида нашр қилинди.

Икки халқ фарзанди Мақсуд Шайх-лининг долзарб масалалари” мавзусида ўтказилган халқаро илмий-амалий конференция бунинг яққол далилидир. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта таълим вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ташаббуси билан уюштирилган бу илмий-анжуманда қирқка яқин хорижий мамлакатлардан вакиллар қатнашди. Уларнинг маърузалари китоб ҳолида нашр қилинди.

Икки халқ фарзанди Мақсуд Шайх-

зоданинг 110 йиллиги Озарбайжонда ўзбек олимлари ништорикида кенг нишонланди. 2021 йил Бокуда “Низомий Ганжавий ва Алишер Навоий: анъана ва новаторлик” мавзусида, 2022 Ўзбекистонда илмий муассасалар билан ҳамкорликда ўтказилган “Туркий халқлар адабиёти: адабий алоқалар, адабий таъсир ва таржима” мавзусида илмий анжуман ўтказилди.

Ўзбек-озарбайжон адабий алоқалари жуда қадимийдир. Жаҳон тарихида туркий халқлар теран илдизга эга

халқлардир. Маданий алоқалар ҳам узок асрларга бориб боғланади. Халқ оғзаки ижодидаги ўхшашликлардан тортиб, XXI аср адиблари ижодида ҳам ҳамоҳанглик борлиги буни кўрсатиб турибди. XIV асрнинг биринчи ярмида Қутб Хоразмий Низомийнинг “Хусрав ва Ширин” достонини туркий тилга таржима қилган бўлса, XV асрда Хайдар Хоразмий “Маҳзан ул-асрор”дан боблар таржима қилиб, бу асарга жавобан “Гулшан ул-Ғасрор” достонини ёзган. Таржима ишлари давомли бўлган.



### Шеърлий лаҳза

Мухаммад АЛИ,  
Ўзбекистон халқ ёзувчиси

### ОНА ДУОСИ

Биринг икки бўлсин нима ушласанг,  
Йўлларинг оқ бўлсин тоғлар қорича.  
Сен ёруғ дунёда тинч юрар бўлсанг,  
Мен дуо қиларман умрим борича.

Кўзингга кўрмасам алам ранжини,  
Бошингга кўрмасам тумонот савдо,  
Олиб бермасанг ҳам олам ганжини,  
Сендан онагинанг ризодир, ризо!

Хаётинг бемаъно туюлса, болам,  
Қоронғу кўринса бу кўхна дунё,  
Кетсин деб қалбингдан ер ютқур алам,  
Ёришсин дунё деб айларман дуо.

Юрагинг қисилса такрору такрор,  
Кенгликка чиқкин-да, айтгин шўх ўлан,  
Бу ҳам ҳасратингга келмаса бакор,  
Кўнглингни бўшатгин шеър ёзмок билан.

Қадим эртакларни тинглаш создир ҳўп,  
Олтин умрларни унда кўрарсан.  
Сеҳрли хаётга маҳлиё бўлиб,  
Бевош ўйларингни алдаб юрарсан.

Етишсанг, тўй берсанг юртга мабодо,  
Жамшид хавас қилсин сенинг базмингга.  
Номинг дoston бўлиб юрсанг эл аро,  
Мурод-мақсадингга етсанг, бас, менга.

Ёмонлар йўлини тутмагил минбаъд,  
Фиску фасоллардан нари бўл, тўхлим.  
Олгину олдирма, униб-ўс, фақат,  
Ўзимни ерларга қаратма, ўғлим...

### Теран томирлар



## ОЗАРБАЙЖОН ҲИКОЯЛАРИДА АДОЛАТ ТАЛҚИНИ

Замонавий озарбайжон насрининг илдизлари, шубҳасиз, озарбайжон халқ оғзаки ижодидан сув ичади. XIX асрдан бошлаб озарбайжон реалистик адабиёти шакллана бошлаган. Бу ҳодисага турк ва рус адабиётининг таъсири сезиларлидир. Мулла Паноҳ Воқиф асарлари таъсирида улғайган Султон Маждид Ғанизоданинг “Муаллимларнинг ғурури”, “Аллохнинг девони”, “Қурбон байрами” каби хикоялари ва “Келинлар жавоҳири” кассаси ўз даврининг муҳим воқеаларидан бўлган. Мухаммад Таки Сидкиннинг насрий асарлари

ҳам шу даврда яратилди. Аср ўрталарига келиб озарбайжон драматургияси майдонга чиқди. Мирза Фатали Охундов драматургиянинг асосчиси бўлди. Жалил Маматқулизода ва Наримон Наримонов реалистик адабиёт ривожига катта ҳисса қўшдилар. Жалил Маматқулизоданинг “Почта китиси”, “Уста Зайнал”, “Қурбоналибек” сингари хикоялари танқидий реализмнинг мумтоз намуналари қаторидан жой олди.

Озарбайжон хикоячилиги XX асрда гуллаб-яшнади. Бу даврда озарбайжон насрининг ривожига улкан ҳисса қўшган Юсуф Чаманзаминли, Мирза Иброҳимов, Юсуф Самадўгли, Анор, Собир Рустамхонли, Элчин, Хидоят ижод бобида устоз мақомига кўтарилдилар. 50-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб озарбайжон адабиётини муайян кўтарилиши юз берди.



### Муносабат

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудлар ривожини, ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан танишиш мақсадида Қашқадарё вилоятида бўлиб, халқ вакиллари билан воҳанинг нафақат яқин йиллардаги, балки кейинги беш, ўн йилликдаги истиқболли режалари ҳақида фикрлашди. Ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан танишиш мақсадида Қашқадарё вилоятида бўлиб, халқ вакиллари билан воҳанинг нафақат яқин йиллардаги, балки кейинги беш, ўн йилликдаги истиқболли режалари ҳақида фикрлашди. Ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан танишиш мақсадида Қашқадарё вилоятида бўлиб, халқ вакиллари билан воҳанинг нафақат яқин йиллардаги, балки кейинги беш, ўн йилликдаги истиқболли режалари ҳақида фикрлашди.

## ФАЙЗЛИ МАНЗИЛЛАР

Инсон туғилиб ўсган юрти, элининг келажакига дахлдор янгиликларни эшитса, режаларини қайтадан кўриб чиқишга, ўзгаришларни таҳлил қилишга уринади. Ҳамма қатори ўз хонадонини ҳам четлаб ўтмайдиган фаровонлик омилларини кузатиб, энг чекка ҳудудлар ҳам ўзгараётганига ишонч ҳосил қилса, беихтиёр қувонади. Бу ўзгаришлар қишлоқдошлари, маҳалладошларининг турмушига ободлик олиб кираётганини кўрса қўнгли кўтарилди. Бугун кашқадарёликлар руҳиятида ана шундай қайфият ҳукмрон. Одамлар ташрифдан ташрифгача бўлган воқеаларни сарҳисоб қилмоқда, амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида фикр юритиб, бунда ўз ўрни қандай бўлиши кераклигини ўйлаб кўрмоқда.

– Президентимиз ҳар қат та-катта лойиҳалар, ташаббуслар билан ташриф буюради, – дейди уста дехкон Улуғбек Жуманазаров. – Ўтган йилги ташриф чоғида мамлакатимиздаги туманлар сони яна биттага кўпайганди. Ўшанда давлатимиз раҳбари Янги Ўзбекистоннинг Янги Кўчаласи, унинг истиқболли ҳақида гапирганди. Қиска фурсатда янги туман бўй кўрсатди. Бир йил ичида эллика



### Дил изхори

## ЎША ОПШОҚ ГУЛДАСТА...

Ўтган 2022 йилнинг 7-8 март кунлари бўлган бу қувончли воқеага роса бир йил тўлди. Ушбу унутилмас айём умр китобимнинг зарвароғидан жой олди. Ўша кундаги ҳис-ҳаяжонларим ҳали-ҳануз босилган эмас. Байрам шуқуи ҳамон давом этмоқда. Қутилмаган ҳодисадан ҳамон ҳайратдаман...

Ўшанда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Сенати раиси Танзила Норбоевнинг ташрифидан хонадонимиз янада нурга тўлиб кетган эди.

Муҳтарам ва аёлни ойнаи жаҳон орқаи тадбир ва анжуманларда кўп кўрганман, доно фикрларини эшитганим сари қалбимда фахр туйғуси юксалади, ўзбек аёлининг эришган улкан ютуқларидан ғурурланаман.

Танзилахоним менга ажойиб хушхабар олиб келган эканлар. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Фармонида ўқиб бериб, “Дўстлик” ордени билан мукофотланганими маълум қилдилар. Шодлигим юрагимга сиғмай, ўзимни қаерга қўйишни билмай қолдим. Президент топшириқлари билан уни кўксимга тақиб қўйдилар. Ўзбек шоирасининг камтар меҳнатини эътироф этмок ва қадрлашда бундан ортик эъзоз бўлмаса керак. Аталган оппоқ гулдаста менинг бағримни тўлдириб юборди.

Эртаси – 8 март куни хушхабар устига яна хушхабар келди. Юртбошимиз хотин-қизлар байрами муносабати билан табриқнома йўллабдилар ва яна совға-са-



ломлар... Миннатдорлигим, севинчим, бахтиёрлигимни қай сўз билан изхор этсам экан... Табриқномада ёзилган хатда ҳаётим давомида халқим, эл-юртим учун қилган хизматларимни эътироф этиб, самимий тилакларини билдирганлар.

Бу қадрли хат мен учун яна бир олий мукофот бўлди. Бир шоирага бундай эътибор ва эътирофдан, қадрият ва эъзоздан жуда тўлқинланиб кетдим. Бу хат менга янада куч-қувват, мадад, меҳнатга рағбат бағишлади.

Давлат раҳбаримизнинг қимматли ишонч билан билдирган меҳри ва самимий сўзлари аёллар зиммасига улкан масъулият юклайди.

Салобатли Ватанимизнинг янада равнақ топиши учун тараққиётнинг барча соҳаларида янгидан-янги зафарларга эришмок, халқимиз қатори елкама-елка туриб буюк мақсад сари олға боравериш – ҳам қарз, ҳам фарз, ҳам садоқатли бурчимиз деб ўйлайман. Улуғ 85 ёшимда ўз марҳаматларини ҳадея этган Аллоҳга шуқрлар айтаман.

Гулҳеҳра ЖўРАЕВА,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими,  
“Меҳнат шўхрати”, “Дўстлик” орденилари соҳибаси

### Эътироф

Гулбахор ЭРҚУЛОВА:

## МАҚОМ ИЖРОЧИЛАРИГА ТАЪЗИМДАМАН

Халқимизнинг сеvimли санъаткори, Ўзбек миллий мақом санъати маркази қошидаги Юнус Ражабий номли мақом ансамбли хонандаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, бу йил илк бор ўтказилган “Янги Ўзбекистон юлдузлари” маданият ва санъат миллий танлови совриндори Гулбахор Эрқулованинг миллий мақом санъатини тарғиб қилиш борасидаги хизмати алоҳида эътиборга лойиқ.



Гулбахор Эрқуловани мумтоз санъатимизнинг маҳоратли ижрочиси сифатида сеvamis, унинг ашулаларини мириқиб тинглаймиз. “Ассалом, ўзбегим”, “Бибихоним”, “Соғиниб”, “Алла”, “Онамга ўхшайди”, “Фасли навбахор ўлди”, “Тановар”, “Севоҳ”, “Насруллоҳи”, “Тошкент ироғи” каби ашулалари санъат шайдолари томонидан олқишлар билан қутиб олинади. Хонанда билан мулоқотимиз аввали мақом санъати ҳақидаги мулоҳазалар билан бошланди.



**Оила илми эркак ва аёлнинг никоҳдан ўтиши тўй-томошадангина иборат тушунча эмас. Оила – турмуш муаммоларининг елкама-елка кўтариш, турмуш синовларини биргаликда енгиб ўтиш, юртпарвар, инсонпарвар, ақлли, билимли, меҳнатсевар фарзандларни тарбиялаш, эл-юрт ободлиги йўлида хизмат қиладиган комил инсонлар иттифоқи десак, тўғри бўлади. Жамият барқарорлигини таъминлашда оилаларнинг мустаҳкамлиги, аҳиллиги катта аҳамиятга эга. Чунки давлатимиз раънақда ёши улугларимизнинг ҳаёт тажрибаси, ўғитиyo маслаҳатлари, маҳалла, қўни-қўшничилик муносабатлари, босиқлик каби қадимий аъналаримиз ва миллий қадриятларимиз асосида шаклланган оилавий тарбия муҳим роль ўйнайди.**

## АЁЛ МАЪНАВИЯТИНИНГ БЕМИННАТ МЕВАСИ

Афсуски, кейинги йилларда миллатимиз маънавиятига хос бўлмаган, менталитетимизга мутлақо ёт иллатлар кузатилмоқда. Қонуний никоҳдан ўтгану бироқ тўй қилишга улгурмаган ёшлар, оилалар, йигит-қизлар ажрашиб кетмоқдалар. Бунга келин-куёвларнинг турмуш қуришга тайёр эмаслиги ва ўткинчи ҳой-ҳаваслар каби омиллар сабаб бўлмоқда. Афсуски, тўй куни белгилашиб, таклифномалар тарқатилган бўлса-да, айрим бўлажак келинлар тўйхона кўнглига ёқмагани учунгина тўйни қолдирган ҳоллар учрамоқда. Сарпо-суруқлари уй-жиҳозлари хорижники бўлмаса ҳам тарафлар ўртасида низо чиқиб, айрим ёшларнинг тўйи бошланмасдан қолиб кетяпти.

Самимий бўлмаган севги ҳар қандай одамни бездиради, соф муҳаббат бўлган жойда йўқчилик ҳам билинмайди. Ижарада яшаб бахтли ҳаёт кечираётган оилалар қанча. Аксинча, уч қаватли ҳовли-жойда, қиммат автомобили, уйда хизматкори бўлиб, жанжал билан яшаётган, ором ва тарбия, меҳр ва эътибордан четда қолиб ўсаётган болалару бир-биридан безган эр-хотин, оилалар қанча.

Қадим-қадимдан юртимизда оила институти масалаларига давлат сиёсати даражасида қаралган. Илк ёзма манба “Авесто”да ҳам оила мустаҳкамлиги, эрки, хотин-қизларнинг жамиятда, отанинг оилада тутган ўрни, онанинг хонадондаги мавқеи масалалари қайд этилган. Эътиборли томони, қиз бола тарбиясига алоҳида эътибор қаратилган. Зардушт таълимотида кўра, ҳар бир ота-она қизларини балоғат ёшига тўлгунча уй-рўзғор юмушларини биладиган, эътиқодли, босиқ ва ҳаё-ибобли, покиза қилиб тарбиялаши зарур.

Зардушт қизини турмушга бериш олдида куйидагича насихат қилади: “Эй, Пручино, эй, кенжа қизим, мен сенинг отанг эканман, маздопарастлик динининг тарғиботчиси Жомасни сенга жуфти ҳалолликка интихоб этдим. Энди сен ўзинг билан – ақлу фаросат билан маслаҳат қил, бу маслаҳатни қабул этсанг, поклик расми билан аҳди никоҳ ёлғаймиз”. Бўлажак келин-куёвларга эса, куйидагича мурожаат қилади: “Айтганларимни хотирангизга муҳрлаб олинг. Ҳалоллик билан кун кечириш йўлида гайрат ва шижоатли бўлинг. Ҳар бирингиз яхши хулқингиз билан бир-бирингизга меҳр қўйинг, токи муқаддас эр-хотинликни хурсандлик ва хушбахтлик билан ўтказинг”.

“Авесто”нинг “Вендидод” қисмида оила бутунлигини сақлаш, никоҳ тартиблари, эр-хотиннинг мажбурияти, никоҳнинг бекор қилиниши сабаби ва шартлари тахлил этилган бўлиб, улар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Масалан, Ахурамазда ёки Зардуштнинг келин-куёвларга панд-насихатларида шундай дейилган: “Эй, Спитамен Зардушт! Мен оилани эркакларни оиласиз мардлардан кўра муҳтарам тутаман. Кимда-ким балоғат ёшига етган йигитнинг уйланишига моддий ёрдам берса, унга бу дунёю у дунёда саов ёғдираман”. “Уйла-ниш, оила қурмоқчи бўлган ҳар бир кишига йўл қўрсатмоқчи ва моддий ёрдам бермоқ ҳам мазҳабларнинг вазифасидир”. Зардушт дейди: “Эй, оила қураётган йигит-қизлар, сизларни оғохлантириб шуни айтмоқчиманки, ҳар бирингиз покиза ҳаёт йўлида гайрат қилингиз. Ҳар бирингиз яхши хулқ ва яхши амал билан ўз ва оилангиз ҳаётининг мустаҳкам, хуррам ва саодатли ўтишига эришинг”. Яна “Биз аёлларни ҳаммиса хурмат қилганмиз” ва “Аёл

хуқуқини таҳқир этмоқ ёмон амалдир, у нодонлик белгисидир”, дейилади. Яшларда ўқиймиз: “Уғил болаларга нисбатан қиз болалар илму дониш ўрганишга киришсинлар. Зероки, улар ота-она манзилида бўлган вақтларида ота хонадонини тартибга солиб, зийнат бериб юрсалар, жуфти ҳалол манзилига боргач, бола тарбияси, келажак насли таълими билан машғул бўлмоқлари лозим бўлади”. Ушбу ўғитлар бугунги кунда ҳам қадридлир.



Қўринадик, аёл миллат маънавиятининг таянчи ҳисобланади. Ўз қадрияти, миллий маънавиятига эга бўлган юртда имом Бухорий, Абу Райҳон Беруний, Мотирудий, Маҳмуд аз-Замаҳшарий каби кўплаб олим уламолар, шоиру фузалолар дунёга келиб, жажон илми ривожига улкан ҳисса қўшгани бежиз эмас, албатта. Маълумки, Шарқ Уйғониш даври қомусий олимлари томонидан яратилган илмий меросда оила масалалари алоҳида ўрин эгаллайди. Жумладан, жажон илм аҳли томонидан тан олинган машҳур қомусий аллома ва мутафаккир Беруний асарларида хотин билан бир қаторда эр ҳам билимдон, фаросатли, ақл-идроқли, зукко бўлиши, оила тартибни сақлаши ва уни кузатиб бориши кераклиги қайд этилган. Оиланинг иқтисодий жиҳатдан тўқислигини таъминловчи эркакнинг хотинига, фарзандларига меҳрибон, хушмуомала, тўғрисиқ бўлиши ҳам алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Фарзанддан оқибат кутмоқчи бўлсанг, аввал ўзинг унга меҳр қўрсат, деган ҳикमत замирида олам-олам маъно яширин. Оқибат – биз учун ўта миллий қадрият. Ота-онасини елкасида кўтариб ҳажга олиб борган фарзандлар ҳам, ота-онанинг ризолигини олишга уринаётган ёшлар ҳам шу замин аёлларининг меҳр-оқибатли фарзандларидир. Бу муқаддас аёл маънавиятининг беминнат меваси.

Ана шу мевага бўлган эҳтиёж бугун ҳар қачонгидан ҳам кучлидир. Ўзбек аёлининг бебаҳо бойлиги – миллий, шарқона маънавияти. Ҳазрат Навоий агар ёринг бевафо бўлса, зинҳор ўқисма, чунки у санамнинг чиройида ҳам вафо йўқ – гўзалликнинг ўзи ҳам ўткинчи, дейди.

**Эй Навоий, гар вафоси қолмаиши онинг санга, Гам емокин, анга ҳам ҳусни вафоси қолмаиши.** Хуллас, оила институти мустаҳкамлигига қаратилган ғоялар, қарашлар жуда кўп. Манбаларда илгари сурилган

### Оила ва жамият

ғоялар бугунги кунда ҳам долзарб. Йиллар номланишига қарасак, ҳатто бир неча мартаба юртимизда йилларга “Оила йили” сифатида қаралган. Ҳар бир ислохот оила манфаати йўлида амалга оширилган. Оилани мустаҳкамлаш дунё микросида бош масала даражасига кўтарилган. Оилалар аҳиллиги ва мустаҳкамлигига эришиш мақсадида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 1993 йил 20 сентябрдаги йиғилишида 15 майни ҳар йили Халқаро оила кўни сифатида нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилинган. Шундан бунён бутун дунёда, жумладан, юртимизда ҳам Халқаро оила кўни кенг нишонлаб келинади. Конституцияимизнинг 14-бобида ҳам оила жамиятнинг асосий бўғини экани, жамият ва давлат муҳофазасида бўлиши қатъий белгилаб қўйилган. Оила кодекси ва бошқа қонунлар орқали ёш ва кўп болали аёлларни ишга қабул қилишда имтиёзлар белгиланган.

Давлат раҳбарининг “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирилар Маҳкамасининг қарори қабул қилинди. Қарорда ижтимоий аҳоли ва турмуш шароити оғир, ишсиз ва ижтимоий фаол бўлмаган хотин-қизлар билан “Аёллар дафтари”ни юритиш орқали ишлаш тизимини янада тақомиллаштириш, уларни ижтимоий-хуқуқий, психологик, тиббий ва моддий – ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш бўйича қатор чора-тадбирлар белгиланди. Республика, вилоят, шаҳар ва туманлар хотин-қизлар кўмиталари тuzилмаси тубдан тақомиллаштирилди.

Барча маҳалла фуқаролар йиғинларида хотин-қизлар билан ишлаш ва оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятларни мустаҳкамлаш бўйича мутахассис лавозими жорий этилди. Бу борада мамлакатимизда ўзининг ибратли фаолияти билан эл назарига тушган хотин-қизлар таъсис этилган “Муътабар аёл” кўкрак нишони билан тақдирланмоқда.

2022 йил 8 августда Вазирилар Маҳкамасининг “Оқида аёллар” ҳаракати фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилиниб, ҳаракатнинг хуқуқий асоси яратилди. Оила ва хотин-қизлар давлат кўмитаси томонидан “Оқида аёллар” ҳаракати ташкил этилди. Ёш оилаларга ёки оила қураётган ёшларга мазкур ислохотларнинг мазмун-моҳиятини тушунириш, оила қонунчилиги асослари, соғлом турмуш тарзи, фарзандлар тарбиясига оид билимларни ошириш марказ олдига турган энг долзарб вазифалардандир. Оила саводхонлиги, оила қонунчилиги, эр-хотиннинг вазифаси, масъулияти, тиббий маданият, никоҳ шартлари, никоҳ шартномасининг мазмун-моҳияти каби тушунчаларни тўлиқ англамоқ давр талабига айланди.

Оилалар тинчлиги мамлакат оқоийшталанигининг гаровидир. Шундай экан, низоли оилаларга эътиборни кучайтириш, ёшлар ўртасида тарғибот-ташвиқот ишларини юқори поғонага кўтариш, керак бўлса, амалий ёрдам кўрсатиш бугун барчамизнинг биринчи даражадаги вазифамиздир. Юртимизда оилани юрт ва миллат бойлиги сифатида янада мустаҳкамлаш учун, биринчидан, оила муқаддаслигига оид тарихий, миллий, маънавий асосларни тўплаш ва кенг жамоатчиликка етказиш лозим. Иккинчидан, никоҳга кирувчиларнинг ўзи оила қуришга нечоғли тайёрлигини аниқлаш ва никоҳ қуришдан олдин ажримларнинг сабаб ва оқибатлари, етим қолаётган болаларнинг ижтимоий воқеликка муносабатларига хуусидаги фикр-мулоҳазаларини эшитиш тизимини яратиш керак. Учунчидан, оила ва никоҳ қоидаларини ўз ичига оладиган методик қўлланма яратиш, бу ишга таниқли хуқуқшуносларни жалб қилиш мақсадга мувофиқ. Ана шунда маънавияти аёлларимиз тарбиялаб, ўқитиб, ўстираётган ёшлар онгида оилани жамиятнинг устуни деб билиш, унинг раънақи, мустаҳкамлиги учун курашмоқ ўзбек халқининг азалий қадрияти эканлиги ҳақида тасаввур шаклланади ва албатта, жамиятда оила муқаддаслиги таъминланади.

### Феруза МУҲИДДИНОВА,

**Тошкент давлат юридик университети профессори, юридик фанлари доктори**

Камина бу лукма-мақолани ёзмами ё ёзмамасми, деб кўп ўйладим. Ёзсам, ганимлар кўпаяди, ёзмасам, бошқа чаласавод одамлар ҳам шунга ўхшаш “долзарб масала”ларни кўтариб, жамоатчиликни алдашда, чалкаштиришда, кимларнидир обрўсизлантиришда давом этишади... Хуллас, “Миллий тикланиш” газетасининг 2023 йил 1 февраль сониди “Қачон янги мезонларга навбат келадими ёхуд “совет мафқураси қурбони”ни қайта тиклаш кераклиги ҳақида” сарлавҳали мақоланинг чоп этилганига бир ойдан ошганига қарамай, ушбу лукманни ёзишни лозим, деб топдим. Мақола муаллифи Раҳимбой Жуманиёзов – филология фанлари номзоди, профессор. Мен уни Тил ва адабиёт институтида ишлаб бошлаган кунларидан бери

### Лукма

морий образини яратиб ва безаш ишларида архитектор Я. Мансуров, инженерлардан Зокиров ва бошқалар, рассомлардан Р.Муҳаммаджонов, А.Раҳимов, халқ усталаридан эса И.Шермухамедов ва бошқалар иштирок этишган. Лекин бекатнинг Алишер Навоий ва “Хамса”даги қаҳрамонлар руҳи билан сўғорилганида буюк мусаввир Чингиз Аҳмаровнинг хизматлари беҳад даражада катта. Бу ҳақиқатни фақат нодон кишиларгина инкор этишлари мумкин.

“Шуни эътироф этиш керакки, – деб ёздаи Р.Жуманиёзов, – бекат улуг мутафаккирнинг “Хайрат ул-абдор”, “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Саъян сайёр” ва “Сади Исқандарий” дostonлари мазмуни акс

## ЕТТИ ЎЛЧАБ, БИР КЕС!..

биламан. Раҳимбой замон ўзгариб, театр биноларида оммабон тадбирлар (масалан, лотерея ўйини) ни ўтказиб, машҳур бўлиб кетган. У ахён-ахёнда матбуот ёки “ойна жаҳон”да турли шов-шувлар билан чиқиб, ўзини билимдон кишилардан бири сифатида намойиш этиб келади.

Унинг бу сафарги шов-шув Тошкент метрополитенидаги ўзбек халқининг ифтихори бўлган санъат обидаларидан бири – “Алишер Навоий” бекатини безашда йўл қўйилган “қўпол хатолар”ни тuzатиш масаласига бағишланган.

Маълумки, “Алишер Навоий” бекатини ўз камровига олган Тошкент метрополитенининг иккинчи тармоғи 1984 йили – бундан қарий 40 йил аввал ишга туширилган. Алишер Навоий ҳаёти ва ижодининг машҳур билимдонларидан бири Иzzат Султон метрополитенининг иккинчи линияси ишга тушган дастлабки кунларда Тил ва адабиёт институтидаги бизнинг хонамизга кириб, Ҳомил Ёқубов, Машҳура Султонова, Нилель Владимирова ва биз, ёшларга “Алишер Навоий” метро бекатини очилгани ҳақида катта хайрат билан сўзлаб берган ва бу бекатга тушган одам ўзини Ҳиротда, Алишер Навоий гулшанида кўргандек завқ-шавққа тўлади, деган ва қачон қалами юришмай колгулек бўлса, шу бекатга тушиб, Навоий билан ғойибона суҳбатлашиб, ижодхонасига катта руҳий энергияга тўлиб қайтишини айтар эди.

Дунёнинг тўрт китъасидан Ўзбекистонга келган сайёҳлар мамлакатимизнинг энг гўзал ва муҳташам санъат обидаси – “Алишер Навоий” бекатига тушганларида бу ердаги “Хамса” дostonларидаги гўзал қаҳрамонларнинг тасвирларини кўриб хайратга тушганларини кўп кўрганман. “Тошкент” энциклопедиясидан маълум бўлишича, “Алишер Навоий” бекатининг меъ-

этан бадиий-илмий, маърифий-фалсафий обида бўлиб, улар биргаликда яхлитлик касб этади. Мабодо “Хамса” таркибидаги бирор йирик дoston тушириб қолдирилса, асарнинг мазмун-моҳияти, гоъвий-эстетик ва ҳатто диний-таъсиратли хусусиятларига жиддий таъсир кўрсатган бўларди.

Айни пайтда “Алишер Навоий” метро бекатида ана шу нуқсон аққол кўзга ташланмоқда. Яъни музайяналар орасида “Хайрат ул-абдор” дostonига тегишли керамика, шунингдек, бошқа бир неча сурат ва матнли нақшлар йўқ. Мақола муаллифининг уқитиришича, “Бу хуусуда Чингиз Аҳмаров ҳам куйиниб, “совет мафқураси”га ёт асар деб унинг устиди ишлашга рухсат берилмаганини айтган”. “Бугунги кундаги янгича қараш ва талаблар эса, – деб михлайди фикрини муаллиф, – масалани адолатли ҳал этишга имконият берапти”. Муаллиф “Алишер Навоий” метро бекатини қайта қуриш тақлифини ўртага ташлабгина қолмай, метронинг бошқа бекатларида (масалан, “Гафур Ғулом” бекатида) ҳам “собиқ иттифокнинг рамзлари муҳрланган”ни айтиб ўтадики, бу сўзлардан бошқа бекатларни ҳам реконструкция қилиш лозим, деган узил-кесил фикр эшитилиб туради.

Мақола муаллифининг: “Чингиз Аҳмаров ҳам куйиниб, “совет мафқурасига ёт асар” деб унинг устиди ишлашга рухсат берилмаганини айтган”, деган сўзлари ҳақиқатга зид. Аксинча, Чингиз Аҳмаров ўз олдига “Алишер Навоий” бекатини безашдек катта масъулият тургани ва бу масъулиятли ишни юқори савияда бажара олганидан мамнун эканлигини айтган. “Алишер Навоий” номли метро бекати улуг шоир, улуг зот ижодига замонамизнинг минг-минг мухлислари кўнгилларида сақлаган мислсиз хурмат ва эҳтиромларининг рамзи бўладиган бир касри олий бўлиши зарур эди, биз буни маълум даражада амалга ошира олдик, деб ўйлайман”. Мусаввирнинг бу сўзларида “совет мафқураси”дан норозилик, “Хайрат ул-абдор”нинг гўё қабул комиссияси томонидан “диний асар” деб четга суриб қўйилгани ва ҳоказолар мақола муаллифининг уйдирмаларидан бошқа нарса эмас. Метро бекатининг бадиий образи устиди иш бошланган 1982 – 1984-йилларда совет мафқураси ўзининг 30 – 50-йиллардаги кучини йўқотган, акс холда Навоий ҳазратлари ёнида рус ва жаҳон адабиёти классикларининг чехралари ҳам қулиб турган бўлармиди?..

Бизнинг бахтимизга, “совет мафқураси” Навоий руҳи уфуриб турган метро бекатига яқинлаша олмаган. Республикаимизнинг ўша йиллардаги раҳбари Шароф Рашидов ҳам, бу зот хурмат қилган машҳур навоий-шунос олимлар ҳам “Алишер Навоий” метро бекатини безашда бир тан ва бир жон бўлиб, улуг ўзбек шоири номи билан аталган манзилнинг Тошкент метрополитенининг энг улугвор, энг муҳташам, энг мафтункор бекати бўлишига эришишганки, бунинг учун биз улардан бир умр миннатдор бўлишимиз лозим.

ишлаб чиқариш икки баравар ошиб, вилоятдаги улуши ўттиз олти фоизга етган.

Маҳалла – отанг, маҳалла – онанг, дейди халқимиз. Барча ўзгаришлар, янгиланишларнинг туб моҳияти, аввало, маҳаллада намоян бўлади. Ўтган 2022 йилнинг аввалида маҳалларда ташкил этилган бешлик тизими бугун маҳаллани беш қўлдек билиши имконини бермоқда. Аҳоли талаби ва тақлифларини ўрганиш учун майдон яратилмоқда. Мамлакатимизда жорий этилган “Аёллар дафтари”, “Темир дафтар” ва “Ёшлар дафтари” орқали уйма-уй юриб, аҳоли билан мулоқот қилинди. Аҳолининг муаммоларини бартараф этиш, бандлигини таъминлашга эътибор қаратилмоқда. 2022 йилда “Обод кишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари учун Қашқадарёга тўрт юз олти миш миллиард сўмдан ортик маблағ йўналтирилган бўлиб, жами ўлттизта маҳалла ва кишлоқлар обод қилинди. Бир сўз билан айтганда, чирой очиб, ободлик сари юз тугаётган файзли манзиллар кўпаймоқда.

**Зиёда АМИНОВА,**  
**Қашқадарё вилояти ҳокими**  
**маслаҳатчиси**

**Наим КАРИМОВ,**  
**академик**

### Бошланиши 1-саҳифада

Илгари битта артезиан қудуқ уч гектар ерни сўғорган бўлса, бугунга келиб, ўн гектар ерни сўғормоқда. Авваллари вилоят бўйича ўн минг гектарни сўғорган қудуқлар эндиликда ўлттиз минг гектарни сўғориш имконига эга бўлди. Буларнинг барчаси ўзгаришлар меваси.

Бугун ишнинг кўзини билган одам борки, вилоятнинг салоҳияти, табиий ресурсларидан умумий фойдаланиш пайида. Худудларнинг янги имкониятларини намоян этадиган лойиҳалар уларга қўл келмоқда. Мухими, бу каби яратувчилик ишлари ҳамжихатлик билан амалга оширилмоқда. Ўзи яшаб турган масканнинг кўркемлигига ҳисса қўлиши иштиёқи одамларни янада фаолликка чорламоқда. 2022 йилда “Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг биринчи босқичида бир юз саксон олти ташаббус қабул қилинди ва бир юз тўрт миллиард сўмлик қурилиш, ободонлаштириш ишлари бажарилди. Иккинчи босқичда бир юз қирқ иккита лойиҳа қолиб деб топилди. Мазкур жараёнда воҳа жамоатчилиги томонидан илгари сурилган тўққиз юз мингта яқин тақлифнинг уч миңдан

ортиқроғи овоз бериш босқичига ўтказилган. Ташаббус хонадонлардан кўчаларга, кўчалардан маҳаллаларга, маҳалладан эса воҳа бўйлаб қанот эди. Ижтимоий фаоллик қандай самара бераётганини одамлар чуқур хис этмоқда.

– “Ташаббусли бюджет” маҳалла-миш учун янги имкониятлар эригини очди, – дейди Касби тумани “Жизза” МФЙ ёшлар етакчиси Турсуной Хо-

иккинчи босқичида қиммати беш юз миллион сўмлик учта дренаж, учта трансформатор лойиҳасини ютдик ва сув муаммоси ҳал бўлди. Яқинда эса “Ёшлар клуби” биносини қуриш лойиҳаси тақлифини киритдик.

Қарши туманида Янги Батош маҳалласи ташкил топгани боис, бу ерда мактабга талаб бор эди. Беш юз нафардан зиёд ўқувчи ўн километр олисдаги мактабга қатнаб ўқирди. Шундан кейин маҳаллада янги мактаб қурилди. Олти юз олти миш ўринли бу таълим даргоҳида ўттиздан ортик синфхона, компьютер ва касбга йўналтириш хоналари ва STEM лабораторияси мавжуд. Спорт майдончаси, кутубхона, мажлислар зали ёшлар билан гавжум. Мактабда давлатимиз раҳбари таълим фидойилари билан суҳбатлашди.

– Президент билан юзма-юз мулоқот жуда самимий кечди, – дейди тажрибали педагог Қумуш Эргашева. – Таълим, муаллим, илм, ўқитувчилар зиммасидаги масъулият ҳақида фикр юритилганларида касбим билан ғурурдандим. Ўқитувчилар-

нинг мажбурий меҳнатдан озод этилиши, маошларининг оширилиши, тажрибали педагогларнинг доимий рағбатлантирилиши бу соҳага эътибор натижасидир. Ўқитувчилар ўз касб байрамини ҳам далада нишонлаган, хали хатлов, хали оклов-қўқлов ишига жалб этилган кунлар соҳа вакилларининг ўтмишига айланди. Энди шубҳалар ишончга эврилиб, ишлаб роҳат топадиган замон келишига ишонч билан кўришимиз лозим.

Вилоятда тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолининг, жумладан, хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, оилаларнинг даромадларини ошириш пировард мақсадга айланган. Биргина мисол: сўнгги беш йилда вилоятга ўн миллиард доллар инвестиция жалб қилинган. Тадбиркорларнинг сони 2,5 баравар кўпайган ва қўшимча уч юз миңдан зиёд доимий иш ўрни яратилган. Саноат ривожини паст бўлган саккизта туманда

## ФАЙЗЛИ МАНЗИЛЛАР

ликова. – Ушбу лойиҳа орқали маҳаллада ечимини қутиб турган тўртта лойиҳа бўйича қолиб қолган кўлга киритдик. “Бунёдкор” кўчасига асфальт ётқизилгани шуларнинг бири. Хатлов давомида аниқланган, дехқончиликка қизиқадиган ўн олти нафар ўғил-қизга “Ёшлар дафтари” орқали ўн йилга йигирма беш сотихдан ер олиш учун ҳоким ёрдамчисига тавсиялар берилди, уларнинг бандлиги таъминланди. Улар орасида бир мавсумнинг ўзида йигирма беш миллиондан ўттиз миллион сўмгача соф даромад олаётганлар бор. Ер эгаси бўлган ёшлар сувдан бироз муаммога дуч келишди. “Ташаббусли бюджет” лойиҳасининг

Ойгул СУЮНДИКОВА



ОНАМГА ҚАСИДА

У – мевали катта бог эди, Боши осмон, кўкси тоғ эди. Баҳор чоғи ховлида қушлар Куйлашганда вақти чоғ эди.

Ўғилларим – чинор ниҳоли, Гул қизларим – нозик ҳилолим, – Дея кўнгли ўсар кунба кун, Кўкси аро севинч шамоли.

Меҳр кўйди райхон, гулларга, Умри каби узун йўлларга. Кўзларини тўлдириб ёшга, Миннатдорман, деди йилларга.

Меҳмон килди душманини ҳам, Ичга ютди пушмонини ҳам... Инъом каби билди бахтини, Такдир тутган дашномини ҳам...

У – муштипар бир мунис аёл, Уфқ ранги борган сари ол. Туюлади кенг дунё ҳамон Бағри бутун, ишки безавол.

Чинор бўлди бир кун болалар, Бўй таратди қизлар – лолалар. О, жуфтидан айрилган куни Бир қуш каби этди нолалар!...

ВАПААН МЕХРИ ТУМЛАТАН КҶНТИМ

Болалари қолди чирқираб, Аёл эса олисга қараб, Қизларини босди бағрига, Ўғилларга елкасин тираб.

Ёлғиз қолдим, деб дод солмади, Ерни тирнаб, алам олмади. Фақат юлдуз қулган кечалар Кўз ёшини ҳеч тиёлмади...

Ёмғирларда томчилаб армон, Қор остида гуллади хижрон. Яратгандан сўради сабр, Кунлар келди яна меҳрибон...

Чинорлари етгайдир кўкка, Кўтарилар офтоб ҳам тикка. Лола каби очилган қизлар Кўярмиди онани якка!

Шундай давом этади ҳаёт, Ҳар лаҳзаси, ҳар қадами – байт. Шундай отар мунаввар тонлар Аёл кўзи порлаб турган пайт.

Оддий қалам олиб кўлига, Разм солди бир-бир йўлига. Ҳаёт деган бир китоб ёзди, Не ёруғ сўз келса кўнглига...

Отам – баланд кўргоним эди, Онам – салкин айвоним эди, Дея эслаб сахар-субҳидам, Болаларим – жаҳоним, дерди.

Мен ҳам ҳар кун кўрардим уни, Ёнида чарх урардим унинг. Азиз онам эди – бу аёл! Ойдин туним, қуёшли куним.

Бог яратди қувонғудай кўз, Қишу баҳор, ёзу олтин қуз. Улуғлади уни то абад Она деган энг мўътабар сўз!

\*\*\*
Ўзгачадир шудрингли дала
Қучоғида қуёшни кўрмоқ.
Йўллар тонгни қутган хуш палла
Йиллар ҳақда ҳаёллар сурмоқ...

Кенгликларга қуйилар яна
Майин окшом, шўълалар рақси.
Бекиёсдир бундай тантана –
Ҳар қадамда яшариш акси.

Чаманларнинг ранги атиргул,
Шу тупроки кўзларингга сурт.
Ватан меҳри гуллаган кўнглил,
Онам каби мен туғилган юрт!

ЭҲТИРОМ

Сен қўшиқлар онаси, қуйлари сеҳрга бой,
Менинг бахтим аталур бағринг, нон ила тузинг.
Дунё ҳар бир баҳорда очгандай ўзга чирой,
Ҳар бир шоир юрагин бор сенга айтар сўзи.

Кўзлар илк бор онани кўрган каби ёниқиб,
Сен ҳам илк бор ҳис этган умид, ҳаётим менинг.
Бу гўзал олам аро йўллар оқар тиникиб,
Ҳайратларим ичида гавҳар хайратим менинг.

Эй, меҳри қуёшлигим, бахтиёрлигим ҳақки,
Кўзларимни яшнатар азиз юрт таровати.
Умрим, нурли йилларим сенинг билан тенг, халқим,
Сендан айро тушмасин қалбим ва хароратим.

БУРГУТГА

Эй, юраги мағрур осмон ҳокими,
Эй, кўзлари ўткир тоғлар тўраси!
Учса, қанотида шамол тўлкини,
Эй, умри шиддатлим, кўзим қораси!

Сенчалик майсага ким қўйгай меҳр,
Ким кўрғай дарёлар тиниклигини!
Эй, иймони бутун темир қанотлим,
Ким суймас ҳаёллар ёниқлигини!

Сенга бокканимда – кенгаяр бағрим,
Лочиним, хурликнинг йўқдир қиёси.
Сенга бокканимда юксалиб бордим,
Нақадар викорли ғолиблик хисси!

Сенга бокканимда – умрим узаяр,
Бу дунё бус-бутун кўнгул, жон қадар.
Билсанг, ўхшаши йўқ, манглайи ёруғ,
Сендай ўғлони бор бу юрт бетакроп!

\*\*\*

Она замин, бунча сулувсан,
Умрим билан пайвандман сенга.
Қалбимдаги тоза гулувсан,
Отаётган тонларсан менга.

Чорламоқда кенгликлар нурли,
Уфқларга сочилар ўйим.
Ҳаёт абад гўзал ва сирли,
Шу заминда юрагим, ўйим.

ДАЛА ГУЛЛАРИ

Дала гулларини келтиринг менга,
Далаларга чиқиб келган бўлайин.
Шу гуллар ифорин бўлмасдан мингга
Энг хушбўй шамолдай елган бўлайин,
Дала гулларини келтиринг менга...

Уларда товланар мовий кўк ранги,
Сувлар тиниклиги, ёрқин жилоси.
Тинглай, гул овозин, шўҳчан жарангин,
Вужудим яйратсин дала ҳавоси.
Дала гулларидан келтиринг менга...

Ҳаста танам бўйлаб юрагимгача
Симиллаб ўтган тилсиз оғриқлар.
Қувонч югуради курагимгача –
Қир-адирлар мени, мени ҳам йўқлар!...
Дала гулларини келтиринг менга...

Чиқиб олган каби осмон тоқига
Қиш чўзилиб кетса ҳам бемалол;
Осилиб яланғоч дароҳт шохига

– Дераза ортида дийдирар ҳаёл:
Дала гулларини келтиринг менга...

Мен интиқ қутганда бесас ва олис
Бойчечак кўтариб келса кўкламим.
Ёмғирда тиниқар кўнглимда бир хис,
Ювилар тун бўйи энг оғир ғамим...
Дала гулларидан келтиринг менга...

Номларини билган – билмаганларим –
Ушласам ўхшайди нозик хилқатга.
Мени ҳам билгану билмаганларим –
Тикилсам, кўзларим тўймас хайратга.
Дала гулларидан келтиринг менга...

Гуллар тебранади қирлар бағрида
Бир-биридан нафис, бетакроп, гўзал.
Мен уларни суйиб, босиб бағримга
Яшаб келаяпман эркалаб азал,
Дала гулларидан келтиринг менга...

Энтикиб хидлайин, онам соғинчи,
Отам меҳри каби сабрим, бардошим.
Азизларим қабри узра ўтинчим
Тўқилар, гулларга томчилар ёшлар.
Дала гулларидан келтиринг менга...

Эҳтимол эртага, эҳтимол бугун
Ҳаловат туяман елдан ҳам енгил.
Мени қаршилайди чехраси гулгун
Янги кун, орзикиб титранади дил –
Дала гулларидан келтиринг менга!

\*\*\*

Яна тирикликни қутла, нурафшон
Қуёшдан аввал тур, шудринглари ўп.
Оловланди шафақ – қон югурди, қон,
Бу дунёда бизга аталгани кўп.

Мен тонгни севаман, унга ҳамиша
Онамга шошгандай елиб бораман.
Кундузларни кечиб, тунлардан оша
Ойдайн, гулдайн қулиб бораман.

Шаҳар узра қоронғилик чўка бошлади. Автоуловлар қатнови кўпайиб, йўллар тирбанд бўлиб қолди. Кимдир асабий бақирар, кимдир уйига, яна кимдир ўзи кўзлаган манзилга шошилди. Зум ўтмай кўп қаватли бинолар деразасидан нур таратиб, бирин-кетин чироклар ёнди.

Бир қарашда одатдагидай, бироқ ғалати кеча эди бу. Ҳали одамларнинг хабари йўқ, билганларидан-чи, қўлларидан нима келарди?!

Бог кираверишида шар сотиб ўтирган амаки оксоқланганча шаҳар ва кишлок ўртасида на у ёқлик, на бу ёқлик бўлмади, асосатда қолиб кетган қўшқаватли бинога йўл оларкан, касалманд хотини ва кизи ҳақида ўйларди. Қизи иккаласи уни кутиб ўтиргани аниқ, бугун охириги кун, ижара ҳақини тўлаш ёки қўч-қўронини олиб чиқиб кетиш керак. Бу ҳафта негадир савдо юришмади, энди нима бўлади? Амаки хўрсиниб қўйди.

Охириги банкадаги сутни новвой билан алишиб келаётган сутчи хотин эса кишлок томон йўл олган эди. Унинг ҳаёлида эрининг эрталаб телефонда айтган гапи айланар, “Бориб ўтирмоқчи эмасман, энди бошинг очик” дегани алам қиларди. Ўн йил бирга яшадди, ўн йил кизматини қилди ахир, қадри шу бўлдим? Ишлагани кетганига беш йил бўлган, беш йилдан буён яхши кунларга умид боғлаб қутаётганди. Дадасини сўраб қўймаётган болаларини ҳам ана келди, мана келди, деб овуларди. Энди нима дейди?!

Улар автобуснинг сўнгисидида тушиб қолишиди, бироқ ҳар қайсиси ўз ташвиши билан банд, бир-бирига қайрилиб қарамади. Ҳайдовчи ҳам автобусни шохбекатда қолдириб, уйига пиёда жўнади. Қишлоқ томондан эшитилаётган дайди итлар хуриши ҳам энди анча тинчиб, осойишталик инган, шаҳар томонда машиналар қатнови сийрақлашиб қолганди.

Бугун ғалати кун бўлди, ҳаёлидан ўтказарди хайдовчи йўл бўйи парижанхохтор бораркан. Туш пайти хассага таяниб чиққан қарияга ҳеч ким жой бермади. Қалтираган қўллари билан ўриндик суянчилигини тутганча одамларга умид билан мўлтирарди. Жуда раҳми келди, бир кўнгли йўловчиларга бақириб, отангиз тенги одамку, жой бермайсизми, дегиси келди, бироқ фойдаси йўқлигини англадию индамай қўяқолди.

Чунки эрталаб ҳам шунга ўхшаш холат содир бўлган, одамлардан роса

сўкиш эшитган, хайдовчимисан, йўлингга қара, биз билан ишинг бўлмасин, деб йўловчилар ўртага олишганди. Ҳатто бир найнов ташлиан силтаб тортиганида кўйлагининг ёқа тугмаси узилиб тушди. Энди тамом бўлдим, деб ўйлаганди, бир болали аёл “тинчгина етиб олайлик” деб дод солдию, найнов ўзини йиғиб олди. Бироқ аёл тушган бекатда найнов ҳам атайин тушиб қолди, аёлга зиён етказмадимикан. Кун буйи шуни ўйлаб юрди.

Бугунги воқеалар кўз ўнгида жонланаркан, яна хайрати ортди. Тавба, одамларга нима бўляпти-я?! Тушдан кейин автобусга кўтариллаётиб оёғини босиб олгани учун қарганган аёлни барзанги бир йигит дўппослай кетди, биров фик этмади.

Тавба-тавба... хайдовчи уйи олдида етганида тўхтаб, чўнтагидан тамаки чикарди. Сўнг бошини сарак-сарак қилганча бир мўдат чекиб турди. Ҳозир уйга киришини ўйлаб, юраги сиқилди. “Яна ўша манзара”, мингирлади тамакини буркситиб. Кейин анча ҳаяллаганини, корни очикқанини ўйлаб, яхшилиқ умидида ноилж ичкарилади. Бироқ уйга бош суққач, умидлари чилпарчин бўлди. Тун яримлаб қолганига қарамай, болалар ҳали ухламаган, бири компьютерда ўйин билан банд, бошқаси тоғрада чалиб ўтирарди, хотини эса телефонга шўнғиб кетганди. Қўлидан телефонини олиб деразадан улоқтирмоқчи бўлди. Бироқ уриб-сўкканнинг фойдаси йўқ, деб ўйлади ўзини зўрга босиб, шанғиллашни бошласа кейин чакагини ёпиб бўлмади. Жимгина ошхонага ўтдию, топиб-тутиб тамадди қилди, сўнгра ётоқхонага кириб эшикни ичкаридан зинжирлаб олди.

Кўчаларда одамлар қораси ўча бошлаган, майин шабада турди. Гўё осойишталик иниб, олам нафас олаётгандек эди. Дароҳлар яйраб силкинди, шохларида тин олаётган қушлар потирлаб учди. Юлдузлар юзини тўсиб турган булутлар силжиб, ой ҳам ёришди. Уйқудига гўзал ойдин кечда кўз очгандек эди.

Кўп қаватли бино чироклари бирин-кетин ўчиб шаҳар бутунлай тун измига ўтгач, кишлок томонда итларнинг товуши ҳам ўчди. Олам гўё халокатга учраган кема каби тун бағрига чўкиб борарди. Ёз ёмғири қабил шивир-шивир қилаётган ошиқлар суҳбат эса энди бошланган ва яна, узокдаги бир маконда шуъла милтирарди. Бу кекса ёзувчининг қулбаси эди. У кема капитанидек уйғок, бош

кўтармай қоғоз коралар, асарини тонг арафасида тугатишни ният қилган, агар тонг отиб қолса, умр шоми ўчиб қоладигандек шошилди.

Тун бу ёруғлик таралгунча ёришмайдиган қоронғилик. Унга фақат қуёшининггина тиги ўтади, холос. Бошқаси бекор.

Шаҳар томондаги чироклар ўча бошлаганда одатдагидек, дастлаб сутчи хотин уйғонди. Уйғондию шоша-пиша телефонининг соатига қаради.

Беш ярим, тезроқ туриб сигирини соғиб олиши керак. Икки ёнида каторлашиб ётган болаларини уйғотиб юбормаслик учун аста кўзгалди, оёк учида юриб ташқарига чиқди ва юзини ювди. Сўнг таҳорат олаётиб ос-

маётганидан, тонг отмаётганидан ажабланырди. Одатда, бозор эшигига еткунича ғира-шира маҳал бўлиб қоларди. Бирок негадир доим гавжум бозор бугун сув қуйгандек жим-жит, ҳеч ким кўринмасди. “Нима бало?! Ўзи бугун пайшанбамиди?” У чўнтагидан телефонини чиқариб қаради. Соатни кўриб таажжуби багтар ортди.

Боғга кираверишда шар сотиб ўтирадиган амаки эса кечаси билан ухламаган, энди нима тадбир қилиш ҳақида бош котирарди. Хотини эса сахарлаб туриб олган, қизига: “Имиллама, чой дамба, тезроқ бўл”, деб жавранарди. Қиз уйқуриб стол устига дастурхон ёзди-да, эринибги-



монга қарадию хайрон қолди. Атрофга олазарак ниҳоқ ташлади. Тонг хечам отадиган эмас, тун ҳалиям ёйилмаган, юлдузлар милтиллар, ой эса жойидан бир қадам ҳам жилмаганди.

“Тавба-тавба, – деди ёқасини тишлаб. – Номоз вақти бўлдимикан?”, деб ўйланиб қолди. Боя дераза тоқчасига қўйган телефонини олиб соатига яна ишонқирамай қаради. Ўн бешта кам олти. Бунақа пайт тонг отган бўлиши керак эди-ку?! Хўрозлар кичкирмаётганидан ажабланди, негадир итлар ҳам вовулламасди. Чорвоқ томонга қаради, қўни-қўшни уйига мўраларди, ҳаммаёқ қоп-қоронғи, тун. Олам сув қуйгандек жим-жит, у хайрон бўлганча жойига кириб ётди. Номоз вақти ўтиб кетди, энди, деб ўйлади. Деразадан ташқарига қараб ётаркан, бироқ нега тонг отмаётганидан, халиям қоронғи тун давом этаётганидан хайратда эди.

Бу пайт кишлокдаги биттаю битта ўғри ҳам уйғок эди. Унинг қўчага чиққанига тахминан бир-икки соатлар бўлган, сутчи хотиннинг соғин сигирини етаклаб, бозор томон кетиб борарди. Ишини дўндирганидан хурсанд бўлса-да, бир осмонга, бир атрофига аланглаб, ой ўрнидан жил-

на яна жойига кириб ётди. Кеча ярим кечачага қосиб йигит билан гаплашиб чиққанди. Яна хабар келмаганмикан деб телефонига қарадию соат аллақачон етти ярим бўлганини кўриб хайрон бўлди. Ахир, тонг отгани йўқ-ку. Туш пайти учрашувга чиқмоқчи эди. Тонг отмаса нима бўлади?

Кўп қаватли бинода чироклар бир-бир ёниб, яна шундай кетма-кетликда ўчди. Ҳамма соатига қараб-қараб кўяр, деразадан ташқарини кузатар, тонг отмаётганидан, тун пардаси кўтарилмаётганидан хавотирга тушарди. “Тавба-тавба”, деди хасасига таяниб қўчага чиқиб олган қария. Тишсиз озги очилиб осмонга қараркан, пичирлаганча нималар бўлаётганини фахмлашга уринди. Кампири ўлганидан бери ўзи шунақа ғалати ишлар бўлаяпти. Одамлар уни кўрмаётгандай, эҳтимол, аро йўлда қолди-микан? На у ёқлик, на бу ёқлик эмас. Гуноҳлари кўпайиб кетди, шекилли. Тонг отсаиди, набираларидан хабар олиб келарди.

Ўғлини сикштирмай уйдан чиқариб юборганида оқибатини ўйламаган экан. Ёлғизлик курсин, энди жонидан ўтди. Аслида ўғли ҳам ко-

билгина бўлмади, келиннинг гапига кириб сакрайверди. Хотини бечора юзсиз келин билан олиша-олиша охири чарчади. Мана, дунё сизларга, дедию ташлади-кетди.

Тонг отмаса-я, энди нима бўлади? Ўйлаб ётарди қосиб йигит ҳам. Ишга чиқиб бир-икки сўм топмасам бўлмайди, ахир, учрашувга бораман.

Кўшнисси новвой йигит эса аллақачон ҳамир қориб қўйган, тандирга ўт қалаётганди. Гоҳи олов ичидан чиқиб атрофга қарар, бирор-бир зог йўқлигидан ажабланыр, осмонга тикилиб, тонг ёришмаётганидан хавотирда эди.

Кассобнинг ҳам уйқуси ўчган, шу баҳона отасини ўйлаб ётарди. Хотинининг гапига кириб, уйини бўлак қилганидан бери топганида барака йўқ. Отасининг олдида қайтсамикан? Онаси ўтганидан кейин бечора бир ўзи мунгайиб қолди. Лекин отаси кичирмаса керак, ордан озмунча гап-сўз ўтдимми?! Хотинини деб бўлди, асли ўзи кўнглибўшлик қилди. Мана, қайтар дунё экан, тилидан топибди. Кеча калтак еб, кўзи кўжариб қориб келди. Автобусда кимдир дўппослабди. Энди йўловчига қўшиб, хайдовчини ҳам судга бермоқчи.

Хотини терс ўгирилиб ётар, у ҳам кечани воқеани ўйлаб, тезроқ тонг отишини пойларди. Мелисага бориб нима-нани деишини хаёлан бир нига тизаркан, эрининг ландовурлигидан оғриниб кўярди. Бошқа эркак ўша “йўловчи”ни топиб гирибонидан оларди, хотинимга қўл кўтарадиган сенми, деб дабдаласини чиқарарди. Лагта бўлса шу-да, ортиқ нима кутиш мумкин?!

Худди шу қўш қаватли бинода яшайдиган фаррош аёл эса ишини аллақачон тугатган, уйга қайтишни ўйлаб иккиланарди. Ишини топшириш керак, бу ёқда тонг отай демайди. “Тавба-тавба”, деб кўярди, осмонга дам-бадам кўз ташларкан. Энди кетаверса бўлар, чақалоғи ҳам уйғонгандир, барзанги отаси суг иситиб беришга ҳам ярамайди. Кун буйи ётгани ётган.

Кўп қаватли бино чироклари бири ёниб бири ўчар, деразалардан гўнғир-гўнғир товушлар эшитилар, эркаклар асабий сўқинарди. Фақат биргина қулбада чирок ҳалиям ўчмаган, ёзувчи шошиб ҳамон қоғоз қораларди. Тонг отмасидан аввалроқ асарини тугатиб олиши кераклигини ўйларкан, гоҳи деразага кўз ташлаб кўяр, бироқ ҳеч соатига қарамасди.

Биргина болалар хотиржам эди, ширингина ухлаб ётарди.

Рахшона АХМЕДОВА



Ҳа-я, кишлок томондаги якқаю ягона масжид жарчиси икки марта супага чиқди, одамларни номозга чақаришга чоғланди. Бирок атрофга қараб, бирор белги тополмагач, қайтиб тушиб кетди. Энди у ҳам хайрон, осмон тоқига иғнатугмадек қадалиб қолган ой ўрнидан жилмаётганидан хайратда, қунботар томонга қараб-қараб кўярди. Тавба-тавба, дерди ёқасига суфлаб.

Энди нима бўлади? Ҳамманинг кўнглида шу бир сўз. Нима қилиш керак, биладиган борми? Тун аримаса, тонг отмаса, олам зулмат ичида қолиб кетса, нима бўлади? Одамларни кўркув босиб келарди.

Кеча хайдовчининг ёқасидан олган найнов эса қоп-қора дераза томонга термулганча, гуноҳу савобини ҳисоб-китоб қилар, барзанги эса кеча бир оқизага нега қўл кўтарганини ўйлаб ётарди. “Узр қиёматга қолмаслиги керак”, пичирларди чол.

Сутчи хотин энди ғарб томонга қараб узок-узок термулди. Қуёшдан дарак йўқ. Шар сотадиган амаки эса дераза томон бир хавотирланиб, бир суюниб қараб кўярди.

Ўғри бозорча олдида мудраб ўтирар, ғалати тушлар кўрарди. Тушда ҳам тонг отмаётганди. Нима қилишни билмай боши қотган, бир кўнгли соғин сигирни эғасига қайтариб берсамми, деб ўйлади, ҳам.

Новвой йигит эса бошини икки кафти орасига олиб, чуқ-чук қилар, соатига қараб-қараб кўярди. Ой ўрнидан жилмас, гўё ер тўхтаб қолган, борлиқ зулмга ғарқ бўлган эди. Энди ҳеч қачон тонг отмайди, йилларди киз. Энди кўришолмаймиз, ўртанарди қосиб йигит ҳам. Одамлар даҳшатга тушиб, зулмат аримаса нима бўлишини тасавурларига сифдиролмасди. Бирок бир нарсани аниқки, юлдузлар сўнмагунича умидлари ҳам сўнмайди. Одамлар эртани кутиб яшайвердилар.

# «МЕН СЕНДАЙИН МЕЗБОНИ ТОПОҒИМ ГУМОН»

Бошланиши 1-саҳифада

Низомий Ганжавийнинг “Хафт пайкар” достони таржима қилган Огаҳий бу ҳақда шундай ёзган: “Сайид Мухаммад Раҳим Баходирхон... Бу банди хақир ва ихлоси таҳмир Мухаммад Ризо миробал-мутахаллис биз Огаҳийга ҳазрати шайх Низомийнинг “Хафт пайкар” отлиг китобин, Баҳром шохнинг ҳолати воқеоти кассаси турур, наср тарихаси бирла таржима қилиб, туркий таснифига киргузмак хизматин буюрдилар”.

Низомий Ганжавийнинг мумтоз ўзбек шoirларига таъсири нақадар кучли бўлган бўлса, Алишер Навоийнинг озарбайжон шoirларига таъсири ҳам шунчалик кучли бўлган. Навоийдан кейин яшаган кўплаб озарбайжон шoirлари улуг ўзбек шoirи ижодига эргашиб газаллар ёзганлар, уни ўзларига устоз мақомида кўрганлар, асарларига назиралар бағишлаганлар. Алишер Навоий “Насойим ул-мухаббат” ва бошқа асарларида озарбайжон шoirларидан Низомий, Ҳоқоний, Шайх Ширвоний, Абу Аббос Сухравардий, Шайх Табризий, Қосим Анвориий номларини тилга олади.

Фузулийни эса халқимиз ўз шoirидек эъзозлаган. “Ўткан кунлар” романида Кумушнинг “Фузулий яхши китоб...” деган сўзлари бунга бир далил. Унинг асарлари мадрасаларда ўқитилган, ўзбек хонадонларида “фузулийхонлик” бардавом бўлган.

XX асрда ҳам кўплаб озарбайжонлик ижодкорларнинг асарлари ўзбек тилида чоп этилди. М.П.Вокифининг “Танланган шеърлар”, М.Ўрдибодийнинг “Қилич ва қалам”, М.Иброҳи-

мовнинг “Қорабоғ кўшиқлари”, Собирнинг “Хўп-хўпнома”, “Буёқ таянч”, “Бўрон қуши”, С.Рустамнинг “Танланган шеърлар”, М.Дилбозининг “Озар кизи”, И.Гўзаловнинг “Чексиз уфқлар”, Акрам Айлислининг “Мадина амма эртақлари” сингари озарбайжон ижодкорларининг асарлари шулар жумласидандир. Танлиқли озарбайжон адиблари С.Рустам, М.Дилбози, М.Иброҳимов Ўзбекистон ҳақида асарлар ёздилар.

Сўнгги йилларда озарбайжон адабиёти намуналарини ўзбек тилига таржима қилиш, чоп этиш ишлари анча фаоллашди. Низомий Ганжавий “Хамса”сининг биринчи достони “Махзан ул-асрор” Жамол Камол таржимасида, Низомий “Хамса”сининг беш достони Олимжон Бўриев таржимасида нашр этилди. Насимийнинг “Мен бу жаҳона сигмадим” номли шеърлар китоби қайта чоп этилди. Ҳамид Араслининг “Имомиддин Насимий” рисола-си, Ҳусайн Жовиднинг “Сайланган асарлар”и ва у ҳақдаги мақолалар тўплами, Анорнинг “Кўзумчок”, “Мен, Сен, У ва телефон”, “Беш қаватли уйнинг олтинчи қавати” каби асарлари ўзбек китобхонлари томонидан севиб ўқилмоқда. Замонавий озарбайжон насрининг пешкадамларидан Юнус Ўғзининг ўзбек тилида чоп этилган “Амир Темур” дилогияси, “Малика ва жодугар”, “Султон Алп Арслон”, “Отабек Окдениз”, “Овчи” романлари тақдиротлари ўтказилди.

Филология фанлари доктори, профессор Олмос Улвининг “Озарбайжон – ўзбек адабий алоқалари”, “Ўзбек адабиёти”, “Алишер Навоий ва озарбайжон адабиёти”, Фуломху-

сайн Алиевнинг “Озарбайжон – ўзбек адабий алоқалари”, Рамиз Аскарнинг “Ўзбек адабиётидан тадқиқотлар” китоби ўзбек-озарбайжон адабий алоқалари ривожига қўшилган муҳим хисса бўлди.


Ўзбек адибларининг асарлари ҳам озарбайжон тилида нашр қилинмоқда. Ҳазрат Навоийнинг ҳикматлари, танлиқли шoir Ўткир Раҳматнинг “Кўнгил боғлари” китоби, 2009 йили Боқуда нашр қилинган “XX аср ўзбек шеърияти антологияси”, Зилола Хўжаниёзованинг шеърий тўплами шулар сирасидандир. Озарбайжон матбуотида адабиётимизнинг танлиқли вакиллари Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Мухаммад Али, Сирожиддин Саййид, Маҳмуд Тоир, Иқбол Мирзо ва бошқа кўплаб ўзбек ижодкорларининг асарларидан намуналар эълон қилинди ва бу жараён давом этаётти. Бу борада Тошкентдаги Ҳайдар Алиев номидаги Озарбайжон маданий марказининг кўмагини алоҳида таъкидлаш лозим.

Шу ўринда икки халқнинг ўзаро дўстлиги таърифига бағишланган атоқли шoirимиз Абдулла Ориповнинг “Озарбайжон” шеърисида куйидаги мисраларни эслаш ўринли:

**Мен сендай мезбонни топоғим гумон,  
Сен ҳам тополмасан мендай меҳмонни.  
Мавжуд бўлмасайди оламда агар,  
Ўйлаб топар эдим Озарбайжонни.**

Ушбу сатрлар кардош икки халқнинг бир-бирига бўлган меҳри, ҳурмати ифодасидир.

**Адхамбек АЛИМБЕКОВ,**  
профессор



Таассурот

диган”. Балки ёзувчи ҳаёлот ичида адашган. Шу адашулар уни янгидан-янги тажрибаларга ундаган. Адашишлар ҳам хайрли бўлар экан, қаранг. Фақат ҳар ким ўз ҳаёлини сура олиши керак. Бугунги тезкор замонда ҳаёл суришга ҳам улгурмай қоламиз.

“Ф” оддий тупук ҳақидаги роман. Ғалати. Мулла Тошўлат ўзининг ҳеч бир ишга ҳафсала қилмайдиган саёқ

# ҲАЁЛ ИЧИДА «АДАШГАН» ЙЎЛОВЧИ

Омон Мухтор негадир адабий давраларда кам эсланади. У – менинг сеvimли ёзувчим. Анчадан бери ёзаман дейману кунт қилмайман. Қисқа бўлса ҳам баъзи таассуротларини бўлишаман.

Омон Мухтор асарлари билан танишув мактабда бешинчи синфда ўқиётган пайтим бошланган. Дастлаб ёзувчи асарларининг қурилиши эътиборини тортганди. Романлар гайриоддий қисмлардан, боблардан ташкил топган ва шу шаклнинг ўзидек ёзувчининг биров юрган йўлдан юрмайдиган ғаройиб йўловчи эканини тасдиқларди. Энг аввал “Тўрт томон қилба”ни ўқиганман. Уч романдан ташкил топган бу роман фентези, мистика ва ҳаёлот уйғунлашган асар. Ҳайдовчисиз автобус қаҳрамонини номаълум манзилга олиб кетиши билан бошланган асар ўқувчини ҳаёлотнинг турли кўчаларига етаклайди. Ушбу асар ўзининг сокин мароми, ёзилиши ноанъанавийлиги билан ёдимда қилган. Бу асарни тасаввур қилиш учун мен укувли режиссёр бўлишим керак. Асарда чизилаётган манзара ва воқеаликни тасвирда кўра олишимга тўғри келади. Узук-юлук тасвирларни бир яхлит тасаввурга айлантириш жараёни менга завқ беради.

Ўғлига ақл сотиб олиш учун борзорга келади ва “ақлнинг ярмини сотаман”, деб борздор ўтирган телбанамо бир кимсадан унинг ярим ақлини сотиб олади. Сотиб олинган ақл ўғилни қўлигул қурувчи айлантиради. У ҳашаматли саройлар кура бошлайди. Бора-бора жуда золим ва каззобга айланади. Ўзувчи асарда мустабиднинг пайдо бўлиш эволюциясини очиб беради. Қайси нуқтада диктатура бошланди ва унга қандай қилиб барҳам бериш мумкин? Ўзбек адабиётида хали диктатура мавзусини бу каби нозик ишора билан бирор ўзбек ёзувчиси тасвирлай олгани йўқ, менинчга.

Омон Мухторнинг ҳаёлотни жуда узундай туюлади менга. Масалан, “Аёллар салтанати ва мамлакат” романи. Ўзувчи макон ва замони аниқ билдирмайди. Сиз на замонни, на маконни билишга уринасиз. Ўзувчининг (қаҳрамоннинг) ортидан йўлга тушасиз. У кечирган ҳаёлини бирга сура бошлайсиз. Тасвирланаётган воқеалик ичидagi одамлар гоҳ олд планда, гоҳ умумий планда кўрсатилади. Муаллифга ишонасиз ва унинг гоёсини таъкиб этиб борасиз. Хулоса шуки, ёзувчининг ҳар бир романида айтадиган аниқ гапи бор.

Омон Мухтор Навоий сиймосини ҳам ўзи тасаввур этган ҳолда ўқувчига бадиий шаклда тақдим қилган. Эҳтимол, ёзувчини Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достонидagi ғаройиб ҳикоялар услуби мафтун этган. “Ишқ аҳли” романида архитекторнинг Навоий ҳақидаги тасаввурлари орқали ҳазратнинг ҳаёт тарзи, характери ўқувчи кўз олдига гавдаланади.

Омон Мухторнинг “Одамлар қулишлари керак” ва “Мухаббат ўлимдан қучли” номли сўнгги романидан ҳам менга гайриоддий асарлар бўлиб туюлади. “Мухаббат ўлимдан қучли” романидаги жуда нозик нафосат ўқувчи кўнглини хушнуд қилади. “Одамлар қулишлари керак” романида эса юмор ҳиссини туясиз. Газетада “ерда юрадиган, осмонда учадиган, сувда сузадиган” техника кашф қилинган ҳақида эълон берилади. Натижада, бойлар бу ноёб техникага эга бўлиш учун курашга киришади. Ўзувчи қорнидан бошқани ўйламайдиган, нафс кўзини кўр қилган кимсаларнинг устидан аёвсиз кулади. Раҳм-шафқат қилмайди. Бу ғаройиб машинани қўлга киритиш учун талашган бойлар уни ҳеч қаердан тополмай охири газета тахририятига боришади. Маълум бўладики, ушбу эълон газетанинг “Ҳазиллар” рукнида чоп этилган экан.

Бу ёзганларим атоқли адиб асарларидан олган қисқа таассуротлар. Ҳали батафсил ёзаман, Худо хоҳласа.

Ёзувчи билан танишиб, суҳбатини олиш орзум бор эди. Афсус, бу бахт менга насиб этмади. Хайриятки, асарлари орқали у билан узок суҳбат қуриш мумкин. Бу бахт насиб этганидан бахтиёрман.

**Хуриш АБДУРАШИД**

Омон Мухторнинг “Одамлар қулишлари керак” ва “Мухаббат ўлимдан қучли” номли сўнгги романидан ҳам менга гайриоддий асарлар бўлиб туюлади. “Мухаббат ўлимдан қучли” романидаги жуда нозик нафосат ўқувчи кўнглини хушнуд қилади. “Одамлар қулишлари керак” романида эса юмор ҳиссини туясиз. Газетада “ерда юрадиган, осмонда учадиган, сувда сузадиган” техника кашф қилинган ҳақида эълон берилади. Натижада, бойлар бу ноёб техникага эга бўлиш учун курашга киришади. Ўзувчи қорнидан бошқани ўйламайдиган, нафс кўзини кўр қилган кимсаларнинг устидан аёвсиз кулади. Раҳм-шафқат қилмайди. Бу ғаройиб машинани қўлга киритиш учун талашган бойлар уни ҳеч қаердан тополмай охири газета тахририятига боришади. Маълум бўладики, ушбу эълон газетанинг “Ҳазиллар” рукнида чоп этилган экан.

Кейинги ўқиганим “Афлотун” романи эди. Юз бетдан ошмайдиган, ҳажман кичик бу романининг структураси янаям ғаройиб. Шақлни муаллиф қадимий эртақлардан олган. Эртақларда қаҳрамон саҳрода адашиб қолади ва йўлидан чиқиб қолган қудудан сув ичмоқчи бўлиб, челақни тортганда, қудук ичига тушиб кетади. Қудук ичида мамлакат бор. Йўлни топиш керак. Йўлни йўқотганида бошқа бир йўлга тушиб қоласан ва шу йўл орқали манзилни топиб оласан. Адашиб туриб яна адашиб. Асар қаҳрамони ҳам шундай аҳволга тушади. Қудук ичидagi мамлакат эса унинг кўнгли (ичи). У ўз ичида тентирайди. Асар қаҳрамони Усмоннинг ҳаёти билан бирга зиндонда ётган Афлотуннинг сўнгги кунлари ёнма-ён тарзда ҳикоя қилиб борилади. Ушбу ҳажман кичик, аммо мазмунан теран асарда ҳақгўй ва зиёли инсонларнинг ҳаёти давр ва макон танламаслиги, уларнинг ҳаёти хамиша тахлика остида ўтиши сокин бир тарзда ҳикоя қилинади. Балки Афлотун киёфасида ўз ўлимини қутиб ётган катагон қурбонларининг ўлим олдидан ўтказган кунларини тасвирлашга урингандир ёзувчи... Омон Мухтор асарлари ҳар хил талқинларга имкон беради.

Комрон Назирининг “Кекса гўдак” ҳикоясида Қорабоғ қочқини бўлган, оғир шароитларда яшаган аёлнинг тиббий ёрдам олиш учун ўқиб турган, энг оддий уйи ҳам бўлмаган, илма-тешик чодирда бола туққанини, чақалқининг ғам-ғусса сабабли она қорнидаёқ, туғилмасидан қариб кетганини ўқиб даҳшатга тушасиз.

Хуллас, ҳикояларни ўқиб, озарбайжон адибларининг ватанпарварлик, ватансеварлик туйғуларига ошно бўласиз, улар чекаётган азоб-уқубатларига қарамай тинчлик, суҳл, ҳақиқат ва адолат тарафдори эканини теран англаб етасиз. Дўстинг ғамига шерик бўлсанг, бу ғам икки баробар қамрайди, қувончига шерик бўлсанг, қувончи икки баробар кўпаяди, деган ҳикмат бор. Биз озарбайжон кардошларимизнинг дардига хамиша шерикмиз ва бу ғамнинг икки баробар эмас, балки бартараф бўлишини, қалб жароҳатлари битишини, уларнинг тинчлик, хузур ва қувонч ичида яшашини истаймиз.

**Бобохон МУҲАММАД ШАРИФ**

Бошланиши 1-саҳифада

Адабиётга кириб келган ёшлар дадиллиги билан ажралиб турди. Бу жиҳатдан озарбайжон ва ўзбек адабиётини ўқувчи борлигини кузатиш мумкин. Аммо кўп ўтмай хур фикрга бўғов солинди. Миллат ва Ватан озодлиги туйғуларини очиб айтишга имкон берилмади. Фақат 80-йилларнинг ўрталарига келибгина ўзгаришлар содир бўлди. Адабиётга янги тўлқин, ўз фикрига эга бўлган ва фикрини адабий воситалар ёрдамида дадил айта оладиган ёшлар кириб келди. Адабиётда турлу ус-

тирларга тўла. Бу ҳол китобхонни хайратга солади ва беихтиёр бунинг сабабига қизиқади. Ҳикоя давомида қаҳрамонга Боқудаги 20 январь воқеалари (ўша кун шўро кўшинлари Боқуда қатлимо уюштирган), Қорабоғ фожиаси билан боғлиқ аччиқ хотиралар ором бермаётгани маълум бўлади. “Ўша даҳшатли манзаралар... Қонга беланган, жасадлар билан тўлган майдонлар... Ваҳшийларча қилинган ишлардан лавҳалар... Гўё ичимда нимадир чирт этиб узилгандек бўлди. Юрагим тилка-пора бўлгани сари юзимдаги табассум, болалигим, ёшлигим

қилишмоқчи бўлишади. Аммо муайян йўл босиб ўтилгандан сўнг тобутни елкалаб кетаётганлар кўздан ғойиб бўлади, бироқ Ҳасратўғлининг тобути гўё қанот қақаргандай илгарилар кетаверади. Тобутдан анча орқада эса фарёд кўтарилди: “Яратган эгам, жонини олган банданг ўз-ўзини Қорабоғга олиб кетяпти, унинг йўлини ўзинг оч, қабрини ўзинг қаз, бизни ҳам ўзинг мағфират айла...”

Арслон Қулиевнинг “Кўр жангчи” ҳикояси қаҳрамони тўрт мучаси соғ йигитлар жанг майдонини тарқ этган бир маҳалда,

тира олган. Бу ҳикояларни ўқиб, китобхон Ватан мухаббати ҳар нарсадан кучли эканини англаб етади.

Гунел Анор кизининг “Отамга” асарини ўқир экансиз, олдин буни чет элларга ташлаб кетилган, хор-зорликка маҳкум этилган фарзанднинг отасига ғам ва таъна тўла мактуби деб ўйлайсиз. Фарзанднинг мактубида шундай сатрлар бор: “Сиз муҳим ишларингизни ташлаб нега мени ўйлашингиз, мени деб сикилишингиз керак? Ишонинг, қайфиятингизни тушириб, сизни ҳафа қилиш ниятим ҳам йўқ. Майли, мени кечиринг; лекин сикиляпман, ота! Рухим изтиробда! Атрофимда ҳеч ким йўқ. Биттагина бўлса ҳам таниш кўрмайман. Ҳар ерда, ҳар қадамда фақат уллар бор. Мени ўзгартириш, ўзларига ўхшатиш учун, сўнг эса: “Қаранг, бунинг бадаида тўғма ва бизга тегишли нишона бор” дейиш учун баданамга тамга босмоқчи бўлганлар бор! Ота, бошқа чиқолмайман, бардошим етмайди. Сукут сақлапман. Барча ҳақоратларга, таҳкирларга чидаб, сабр қилипман, лекин аста-секин сўлиб бормоқдаман”. Ҳикоя ниҳоясида қўйилган имзодан мактуб ёзаётган ўғилнинг Қорабоғ эканини ва у мушкул аҳволдан отаси – Озарбайжонга шикоят қилаётганини англаб ларзага тушасиз.

Комрон Назирининг “Кекса гўдак” ҳикоясида Қорабоғ қочқини бўлган, оғир шароитларда яшаган аёлнинг тиббий ёрдам олиш учун ўқиб турган, энг оддий уйи ҳам бўлмаган, илма-тешик чодирда бола туққанини, чақалқининг ғам-ғусса сабабли она қорнидаёқ, туғилмасидан қариб кетганини ўқиб даҳшатга тушасиз.

Хуллас, ҳикояларни ўқиб, озарбайжон адибларининг ватанпарварлик, ватансеварлик туйғуларига ошно бўласиз, улар чекаётган азоб-уқубатларига қарамай тинчлик, суҳл, ҳақиқат ва адолат тарафдори эканини теран англаб етасиз. Дўстинг ғамига шерик бўлсанг, бу ғам икки баробар қамрайди, қувончига шерик бўлсанг, қувончи икки баробар кўпаяди, деган ҳикмат бор. Биз озарбайжон кардошларимизнинг дардига хамиша шерикмиз ва бу ғамнинг икки баробар эмас, балки бартараф бўлишини, қалб жароҳатлари битишини, уларнинг тинчлик, хузур ва қувонч ичида яшашини истаймиз.

# ОЗАРБАЙЖОН ҲИКОЯЛАРИДА АДОЛАТ ТАЛҚИНИ

лублар, йўналишлар кўрина бошлади. Бу хусусиятни Анорнинг “Ваҳима”, “Кўзумчок” ва бошқа асарларида кўриш мумкин. Озарбайжон мустақиллигидан кейин адабиёт ривожини учун кенг имкониятлар яратилди.

Сўнгги ўттиз йиллик даврда Қорабоғ масаласи, бу ерда яшаган ватандошларнинг аччиқ қисмати адибларни қаттиқ ташвишлантирганига шохид бўлиш мумкин. Қорабоғ ҳақида ёзмаган озарбайжон шoirи ва ёзувчиси йўқ десам, муболага бўлмас. Зотан, адабиёт ҳаётининг бадиий инъикосидир.

Озарбайжон ҳикояларида урушнинг халқ бошига ёғдирган беҳисоб қулфатлари ва бунинг оқибатида қаҳрамонлар қалбида кечган эврилишлар, битмас ҳасратлар қаламга олинган. Иктидорли адиба Ганира Пашаева ҳикояси қаҳрамони “Турк дунёсига хизмат” мукофотини олганида заррача қувонмайди. Мукофотланганлар бу оқшомда ғоят мамнун ва масрур, лекин унинг қалби из-

эриб, йўқ бўлиб кетаётгандек эди...” Ҳикоя сўнгиде қаҳрамон бундай хулоса чиқаради: “Шунда асарларимизда кўриш мумкин. Озарбайжон мустақиллигидан кейин адабиёт ривожини учун кенг имкониятлар яратилди. Сўнгги ўттиз йиллик даврда Қорабоғ масаласи, бу ерда яшаган ватандошларнинг аччиқ қисмати адибларни қаттиқ ташвишлантирганига шохид бўлиш мумкин. Қорабоғ ҳақида ёзмаган озарбайжон шoirи ва ёзувчиси йўқ десам, муболага бўлмас. Зотан, адабиёт ҳаётининг бадиий инъикосидир.

Бугунги Озарбайжон адабиётининг истеъдодли ва умидли ижодкорларидан бири Акбар Қўшалнинг “Ҳасратўғлининг ёхуд учар тобут”, Элчин Ҳусайнбеий “Қуёшда камашган кўзлар” ва Арслон Қулиевнинг “Кўр жангчи” ҳикояларида муаллифлар ўз ғоявий ниятини рўёбга чиқаришда муболагага усулини танлаган. Акбарнинг қаҳрамони асли қорабоғлик Ҳасратўғли (исмга эътибор беринг) Ватан ҳасратида қуюб вафот этган, уни Боку яқинидаги “Қочоқлар қабристонига” дафн

сўкирлигига қарамай, ёғиллар билан тенгсиз жангда шаҳид бўлади. Зотан, Ватаниннг ҳар бир қарич ери муқаддасдир, уни ўзига бериб қўйишни ўйлашнинг ўзи кечирилмас гуноҳдир. Душман сўраганида, беқларининг эътирозига қарамай, олтин-қумушини, тилларда дoston отини, ҳатто гўзалликда тенги йўқ қизини ҳам берган, аммо гиёҳ ҳам ўсмайдиган қарангдан бир қарич тупроқни талаб қилганида муқаддас урушга чиққан Метехон (Ўғизхон)ни эслайлик. Бу жами турк улусу учун бир ўрнақдир.

Элчиннинг тузалмас дардга йўлиққан кекса қаҳрамони майитини оталари кўмилган қабристонда дафн қилишларини истайдиги қишлоғига йўл олади. Унинг ёв аскарлари қўли остидаги худудга бориб, ўша ерда вафот этиши ҳам, Ҳасратўғлининг тобути ҳам, кўр жангчининг душманларни қирлиши ҳам, албатта, муболагали, лекин ёзувчилар ўқувчини ишон-

# ШЕЪРИЯТНИНГ ЎРНИ БЎЛАКЧА

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Шеърият кенгашининг ўтган йилги фаолиятига бағишланган ҳисobot йнгилиши бўлди. Унда давр янгилишларига адабиёт аҳли энг биринчилардан бўлиб жавоб бераётгани, шу билан бирга, кенгаш фаолиятини янада жонлантириш муҳимлиги таъкидланди.

2022 йил давомида кенгаш аъзолари томонидан йнгирмадан зиёд муаллифнинг шеърий тўпламлари муҳокама қилинди. Гуландом Тоғаева, Мухтасар Тожимамтова, Наргиза Одинаева, Санобар Меҳмон каби ўнга яқин ижодкорнинг шеърий тўпламлари нашрга тавсия этилди.

“Адиблар хиёбони”да ўтган йил давомида Олий ўқув юрти талабалари иштирокида, мамлакатимиз бўй-

лаб танлиқли ижодкор ва санъаткорлар билан ҳамкорликда турли маънавий-маърифий тадбирлар, адабий ҳафталиклар ўтказилди. Ўзбекистон халқ шoirи Маҳмуд Тоир, Садриддин Салим Бухорий, Шарифа Салимованинг “Танланган асарлар”и, шунингдек, Қутлибека Раҳимбоевнинг “Чакмоқ фасллар” номли сайланмаси нашр этилди.

“Ватан учун яшайлик” танловида Зебо Мирзаева миллий ғоя билан йўғрилган шеърлари учун 3-ўринга, “Аёлга эҳтиром” шеърий асарлар танловида Ўзбекистон халқ шoirи Маҳмуд Тоир “Мен офтобга алишмаган аёллар” шеърий тўплами учун 1-ўринга муносиб топилди. Анъанавий ёш ижодкорлар республика семинарининг минтақавий ва республика босқичларида, ёш шoirлар учун “Хиёбон оқшомлари” лойиҳаси бўйича адабий учрашуларда, “Онажоним – шеърият” тўғараги машғулотларида кенгаш аъзолари муносиб иштирок этишди.

Муҳокамадан сўнг Кенгаши томонидан 2023 йилда амалга ошириладиган ишлар келишиб олинди.

**Бобохон МУҲАММАД ШАРИФ**

**Бошланиши 1-саҳифада**

– Гулбахор, сиз ижро этган кўшиқларда халқимизнинг буюк ўтмиши, улуг кадриятлари, юртга сўнмас меҳр, садоқат нафаси уфуриб туради. Яқинда Президентимиз қарори билан таъсис этилган “Янги Ўзбекистон юлдузлари” маданият ва санъат миллий мукофотининг “Анъанавий ижрочилик” йўналиши бўйича ғолиб бўлдингиз. Таассуротларингиз қандай?

– Аввало, танловга айнан анъанавий ижрочилик номинациясининг қўйилгани ғоят қувончли бўлди. Шу ўринда мақом устаси, Ўзбекистон халқ артисти Муножат Йўлчиевнинг “Ўзбекистон Қаҳрамони” юксак унвонига сазовор бўлиши Юртбошимизнинг соҳага қаратаётган алоҳида эътиборидан далолат эканини айтиб ўтишим лозим. Менга берилган мукофот, аввало, қутилмаган бахт, қолаверса, каттагина масъулият ҳам. Ёшлар орасида ушбу санъат турини кенг тарғиб қилиш, мақомни тинглатиш ўргатиш асосий вазифаларимиздан бири. Очигини айтсам, танловга қўйилган учта номзод орасида ғолиблик менга насиб этганидан бироз хижолат ҳам бўлди. Ёшларга йўл бериш маъносида. Лекин ғолибликни халқимизнинг ўзи саралаб берганини эшитиб, кўнглим кўтарилди.

– Ўзбек миллий мақом санъати, умуман, санъат йўлини танлаганларнинг суратию сийратини қандай тасаввур этасиз? Сизнингча, улар қандай сифатларга эга бўлишлари керак?

– Дунёда ҳар бир касбнинг ўзига яраша масъулияти, машаққати, айни пайтда кўнглига рағбат берадиган фараҳли жиҳатлари бор. Ўз танлаган касбига меҳр-муҳаббати бўлган шахсларгагина уларнинг талови ҳаётий завқ, куч-қувват бағишлайди. Шу маънода ҳаётимиз миллий мумтоз мусикамиз, мақом ашуллалар

расиз тасаввур этолмайман. Мана, қарийб ўттиз беш йил бўлибдики, мумтоз санъат шайдосиман. Шу йилларда неки топган бўлсам, санъатга бўлган муҳаббат ва садоқатим туфайли эришдим. Очигини айтсам, Шашмакомга бўлган муносабатдан кўнглим тўлмаган пайтлар бўлган. Гап бу ўринда ижрочилар ҳақида бораётганини айтиб ўтишим шарт. Чунки давлатимиз раҳбари томонидан мумтоз санъатимизни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Яъни гап мақомни тушуниш, англаб етиш, ҳис этишда. Бунинг учун эса, аввало, уни севиш керак. Ашулани шундай ижро этиш керакки, унинг ҳар бир сўзи, оҳанги қалбларга малҳам бўлиб қуйилсин! Зеро, мақомларда халқимизнинг орзу-армонлари, дарду ҳасратлари акс этган.

Лекин ҳозирги ижрочи ёшларимизда бундай кўнглималар етарли эмас, деб ўйлайман. Яна бир гап. Мақомимизнинг тарғиботи ҳам зарур даражада эмасдек туюлади менга. Ахир, телевидениеда, радиооода мақом ашуллаларини қайта-қайта бериб бориш мумкин-ку. Одамзод ҳамма нарсга қўниқиб хусусиятга эга. Шу маънода тижорат асосида турли савиядаги маза-матрасиз кўшиқларни тинимсиз беравериш халқимизни, айниқса, ёшларни дилсиз қилиб қўймаслигига ким қафолат беради? Очиги, ақсарият мақом йўлини танлаганлар ҳам осонгина эстрада кўшиқларини қўйлашга ўтиб кетаяпти. Чунки томошабинга ёқадиган шўхчан, енгил-елли кўшиқларни ижро этиш, олқишларга қўмилиш осонроқ! Ахир, мақомни тинглаб ўрганмаган томошабин унинг тўйларда ижро этилишига ҳам эътиборсиз, локайд муносабатда бўлади. Лекин санъат қарвонсарой эмаски, хоҳлаганда кириб, хоҳлаганда чиқиб кетадиган. Демак, асосий масала ҳақиқий мақом ижрочиларини тарбиялашда.

– Шунинг учун ҳам давлатимиз раҳбари бу санъат турини бош

лалар орасида жуда эрта, ҳатто бошланғич синфларданок тарғиб қилиб бориш ҳақида кўрсатма берган. Балки яқин йиллар ичида ана шу ёшлар орасидан сиз кутган мақом санъати ихлосмандлари, усталари етишиб чиқар... Боз устига, улар ўқиб-ўрганишлари учун мумтоз санъатимиз даргаларининг соҳага доир қўланмалари, устоз санъаткорларнинг бетақрор ижод намуналари мавжуд. Ўзингиз ҳам

безовта қилиб туриши керак. Мен ўша фикрни айтганимда замонавий урф, “мода” экан деб ўзини ҳар қўйга соладиган, енгил-елли, қуйи ҳам, сўзлари ҳам ҳаминқадар савиясиз чиқишларни назарда тутандим. Ҳозирги кунда замонавий шоу бизнес, замонавий эстрада, жаз, реп, рок каби йўналишлар кўрган, эшитган нарсасини дарҳол илғаб, осонгина ўзлаштириб оладиган ёшларга таъсир қилаётгани тарбиянинг илдизига болта уради. Бу

# МАҚОМ ИЖРОЧИЛАРИГА ТАЪЗИМДАМАН



устозлар илмидан баҳраманд бўлиб, шу даражага етгансиз...

– Албатта, менда бу ноёб санъат турига меҳр уйғотган Юнус Ражабий, Жўрахон Раҳимов, Фаттоҳхон Мамадалиев, Орифхон Ҳотамов, Берта Давидова, Незматжон Қулабдуллаев, Олмагон Хайитова, Эсон Лутфуллаев каби мумтоз санъатимиз даргаларига таъзимдаман. Шунингдек, ҳозирги кунда ҳам ижрочилардан, ёшлардан маслаҳатларини аямайдиган Холисон Қодирова, Ҳади Юсупова каби санъаткорларнинг ижоди мен учун ибрат мактабидир. Ана шу мактабда шаклландим, камол топдим, мухлислар меҳрини қозондим. Бунинг учун тақдиримдан миннатдорман.

– Сиз билан бўлган сўхбатлардан бирида “Ҳозир халқ санъаткорларни тарбиялаётми, аслида бунинг акси бўлиши керак” деган эдингиз. Айтинг-чи, ўшанда нималарни назарда тутгансиз?

– Тақдирга санъаткорлик қисмати битилган инсоннинг зиммасида “эл назари, халқ муҳокамаси” деган масъулият туради. Ёшлар тарбияси учун жавобгарлик ҳисси ҳам виждонини

айни ҳақиқат. Шунинг учун ҳам концертларда мақом ансамблининг чиқиши эълон қилинса, кўпчилик ёшларда бегоналик пайдо бўла бошлайди. Уларга кечинмаларга бой, лирик кўшиқлардан кўра сакраб ўйнатадиган хонишлар маъқул. Оқибатда тузуққина лирик кўшиқ ёки мақом қўлайдиган хонандалар енгил-елли кўшиқлар ижросини афзал қўришяпти...

– Тўғри, бундай камчиликларни бартараф этишда сиздек фидойи, жонқуяр санъаткорларнинг хизмати зарур. Яъни бу борадаги тақдир, мулоҳазаларингизни билмоқчи эдик.

– Юқорида тилга олинган муаммолар кеча ёки бугун пайдо бўлган эмас. Лекин қўл қовуштириб ўтирмасдан, мавжуд иллатларга қарши курашиш зарур. Бунинг учун профессионал бастакорликни ривожлантириш, умуман, ҳар бир йўналишда чуқур ўйлаб, мулоҳаза билан иш юритадиган билимдон мутахассислар таълим-тарбиясини юқори босқичга кўтариш керак. Ёш мақомчиларнинг радио, телевидение орқали тез-тез чиқишларини таъминлаш лозим.

Энг муҳими, мақом ашуллари фақат тadbирларда эмас, оддий кунларда ҳам ижро этилиши, тинглашини таъминлаш керак. Мақом ижрочилари орасида профессионал бастакорлик бўйича танловларни доимий ўтказиш, ғолибликни салмоқли соврин, мукофотлар билан тақдирлаш ҳам соҳага қизиқишни оширади. Бундай ишлар мунтазамлик касб этса, табиийки, қулоғига мақом қўйларни, ашуллари хуш ёқадиغان, мумтоз меросимизни тушунадиган ёшлар кўпаяди. Ҳатто тўйларда ҳам мақом айтилса, одамлар зерикмай, ихлос билан тинглайдиган бўлади. Шуниси ҳам борки, аввало, мақом хонандаси ашуласидан ўзи хузурланishi, мазза қилиб ижро этиши керак. Шундангина тингловчи ҳам мазза қилиб эшитади. Ахир, устозларимиздан Ўзбекистон халқ артисти Ҳабиба Охунванинг битта “Алла” кўшигини тўйда ўн марта айттириб, жимгина кулоқ тутиб ўтирганларни ҳам эшитганмиз-ку!

Мақом ансамбли ва унинг ижрочиларига ҳамиша хурматдаман.

Мухлисларнинг: “Кеча мақомчилар концертда кўринмадингиз, ашуларингизни соғинган эдик”, деган ихроллари кўнглимни кўтарди, ижодимга катта рағбат беради...

Хуллас, мақом ашуллари ҳар бир хонандон, маҳалла ва ўқув-таълим муассасалари, боғчаларда ҳам қадри бўлишига ҳаракат қилишимиз керак. Бунинг учун, биринчи навбатда, соҳа ҳодимларига, мумтоз мусика ижрочиларига эътиборни қучайтириш лозим. Шунингдек, давлатимиз раҳбари таъкидлаганларидек, муносиқ тарбияни жуда эрта, ҳали боланинг тили чиқмай туриб бошлаш керак. Гўдақларимизга турли мультфильмлардаги хорижий кўшиқлар эмас, нафис мақом ашуллари ором бағишлаши катта аҳамиятга эга. Агар оилада мумтоз санъатимизга нисбатан меҳр-эътибор бўлса, бола ҳам шунга ўрганади. Масалан, менинг саккиз ёшли неварам “Тошкент ироғи”ни тинглаб ухлайди!

Сайёра РИХСИЕВА сўхбатлашди.

**Эътироф**

Бехад шукрлар бўлсинки, бизнинг кўхна Шарқда Аёл Оналик мартабаси ила барча замонларда эъзланган.

Тарих гилдираги аёвсиз айланиб, хўлу қуруқ баравар ёндирилган замонлар ҳам емира олмаган, ўзбекнинг руҳига сингилган бу янглиг кадрятлар Ватаннинг бошланиши, миллатнинг Онаси бўлган Аёлга мангу тавозе, мангу марҳаматлар гултождидир.

Шарқ донишмандлиги, адабиёти, хусусан, мумтоз ва замонавий шеърятимизни ҳам, том маънода, Аёлга мақтов дея эътироф этсак, асло хато бўлмайди.

Бу мақтовнинг индаллосида, шубҳасиз, ҳазрат Навоийнинг ушбу мисралари туради:

**Қош бирла кўзинг яхши, қабогинг яхши,  
Юз бирла сўзинг яхши, дудогинг яхши,  
Энг бирла менгинг яхши, сақогинг яхши,  
Бир-бир на дейин, бошдин оёгинг яхши...**

Даштлардаги саргардон юришларида бисотида қолган ёлғиз отига дам онаси, дам ахли аёлини мингазиб, ўзи пиёда юрган Бобур, кун келиб ҳазинасида дунёнинг энг қимматбахо олмоси бўлган Кўхинур соҳиби – яъни дунёнинг энг бадавлат подшоҳи ёздилар:

**Сен гулсену, мен ҳақир бўлбўлдурмен,  
Сен шувласену, ул шувлага мен қулдурмен,  
Нисбат йўқдур деб ижтиноб айламақим,  
Шаҳман эла, вале сенга қулдурман...**

Чунончи, нуктадон шоирларимиз аёлнинг мунислиги, мушфиқлигини кумрига ўхшатсалар, сўзамоллиги, ақлдонлигини беданага қиёс қилдилар... Қалдини сарву санобарга мензасалар, икки қоқилини икки аждар, қошини камону, кипригини ўқ дея нола-ю афгон чекдилар, ҳажрида ёниб фарқ бўлдилар, шавкида фарқ бўлиб ёндилар...

Лутфу қарамидан гадолар шох, нозу фироғида шохлар гадо, висоли қўйида Қайсар Мажнун, Машраблар каландар бўлдилар:

**Санинг ишқинг била йнглаб,  
Яна Маҳшар кунни чиқсам,  
Қуярлар мўминну кофир  
Бу Машрабнинг навосидин...**

Олис-олислардан бир садо келди:  
**Агар кўнглимни шод этса ўшал Шероз жанони,  
Қаро холига бахш этгум Самарқанду Бухорони...**

Ҳофиз Шерозий ёрнинг бир дона қора холига азиздан азиз, азимдан азим, гўзалдан гўзал, азалдан азал

шаҳарларни тортиқ қилиб юборса-я...  
Аёл хусну малохати қошида ўзни буткул унутган ошиқларнинг ошиги Атойи эса:

**Ул санамқим, сув яқосинда паритек ўлтирур,  
Ғоятти нозиклигини сув била ютса бўлур...**

дейди.  
Сайфи Саройи айтдики:  
**Жамолнинг васфини қилдим чаманда,  
Қизорди гул уятдин анжуманда...**

Шу асно, Ҳаким отамиз – Сулаймон Боқирғоний ёзади:

**Санинг дардинг манго дармондин ортук,  
Санго қул бўлғоним султондин ортук,  
Сани васфингги айсам чўл ичинда,  
Бўлур ул чўл манго бўстондин ортук...**

Назму наво султонлари аёл васфини қуйлаганда чўллар бўстонга, саҳролар гулистонга, зимистонлар нурафшонга айланади... Севиқли нафас олган ҳаволар дорино дармонга, маҳбуба дийдорини бир қўриб ўлмақ сурури орзу-ю армонга дўнади...

Аёл таърифини келтирмак бобида Паҳлавон Маҳмуд бобомиз айтдиларки:

**Зулфинг санами маъбудан Чин,  
Кўзинг қарашмаси ғоратий бир дин.  
Аросатда Худо кўрса руҳсоринг  
Қураатига ўзи ўқир минг таҳсан...**

Нима бўлганда ҳам Аёл барча замонларда Яратганнинг тилсимий мўъжизаси, тирик афсона-фасона, ақлини лол, кўнглини ишғол, руҳни асиру вужудни мубтало қилгувчи муборак бир хилқат, туганмас хайрат, мангу муҳаббат ва садоқат маъбудаси бўлиб қолаверди...

Ўлкамизга ташриф буюраётган баҳор ўзидек нафис ва мафтункор аёллар байрамини бошлаб келаётган шуқуҳли айёмда Ватанга қиёс бўлган мўътабар оналаримиз, азиз опа-сингилларимизни муборакбод этиш илнингиде асрий саҳфалардан саралаб келтирганим – ушбу дурдона иштибоқларнинг моҳиятини салмоқлаш учун, аёлга эҳтиром бобиде ана шу буюк кадрятлардан сув ичган Истиклолимизнинг ўзбек аёлига бахш этган бебаҳо инъомлари залворини чамалаш, ўлчаш учун давр тарозуси керак бўлса, у, албатта, олтиндан бўлиши, унга қўйиладиган топ эса, шаксиз, гавҳар бўлиши шарт!

**Гавҳар ИБДУЛЛАЕВА  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюмчаси  
Хоразм вилоят бўлими раҳбари,  
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими**

**Рассом ва замон**

# БИРИНЧИ ҚАЛДИРҒОЧ

Ўзбекистон тасвирий санъатида ўзига хос мактаб яратган рассом Азиза Маматова Қўқон шаҳрида туғилган, А.Репин номидаги Ленинград рассомлик, ҳайкалтарошлик ва меъморлик институтига тахсил олган. Унинг болалик ва ўсмирлик даврлари Тошкент шаҳрида ўтган. У болалигидан расм чизишга қизиқди. Ундаги бу интилишни ота-онаси қўллаб-қувватлади. Мактабда ўқиб юрганида Азизадаги истеъдодни пайқаган устози Дмитрий Семенович Дворников унга Н.Островский номидаги ўқувчилар саройидаги тасвирий санъат тўрагадига шугўллишини маслаҳат беради. Бу ерда у меҳридор ўстозлардан тасвирий санъатнинг илк алифбосини ўзлаштиришга муяссар бўлди. Ниҳоятда ҳаракатчан бу қиз ўн уч ёшида, яъни 1961 йили П.П.Беньков номидаги санъат мактабига ўқишга кирди.


Ўша давр ҳақида рассом шундай деди: “Бутун ўтмишимга назар солсам, ҳаёт менга хайрихоҳ бўлган экан. Санъат мактабиде Ўзбекистон тасвирий санъатининг кўзга кўринган забардаст рассомлари Жавлон Умарбеков, Баҳодир Жалолов, Саъдулла Абдуллаев каби ижодкорлар билан олдинма-кейин ўқиш насиб этганидан фахрланаман. Иккинчи жаҳон уруши вақтида Тошкентдан паноҳ топган таниқли рассомлар П.П. Беньков, Н.Кашина, З.Ковалеская, Б.Токмин каби таниқли рассомлардан сабоқ олганимиз ҳам тақдир тухфаси, деб биламан”.

Азиза Маматовага тасвирий санъатда ўз услубини топиш осон кечмади. У оиласидан узоқда, Ленинградда яшаб, санъат сирларини ўрганди. Асосан портрет жанрида ижод қилувчи рассом асарлари бугунги кунда ўзига хослиги билан ажралиб туради. Унинг ижодига акс этган ранглар жиловли мухлисларга ўзгача завқ бағишлайди. Рассом картиналаридаги фалсафий мазмун эса бу ҳолатни тўлдирди. Айни пайтда саксон ёшни қаршилаётган мусаввир ижодий фаолиятига эллик йилдан ошди. Ҳамон мўйқалам ва мольберт унинг ҳамроҳи. Яшариш фаслининг илк кунларида Азиза

опанинг устахонасига ташриф буюрди.

Рассомнинг ижодий ишлари билан безалган катта, ёруғ хонада суҳбатимиз қизиди.

– Айнан пойтахтда зилзила рўй берган маҳали совуқ ўлкага, яъни Ленинград шаҳрига ўқишга отлангансиз. Ота-онангиз бу қарорингизни қандай қабул қилишган?



Саъодат (1990).

– П.Беньков номидаги санъат мактабининг тўртинчи босқичида устозимиз Борис Токмин биз талабаларни 1965 – 66-йилларда Москва, Ленинград шаҳарларидаги музейларга амалиёт ўташ учун олиб борган. Амалиёт сафаридан сўнг, мен А.Репин номидаги Ленинград рассомлик, ҳайкалтарошлик ва меъморлик институтида ўқишимни давом эттиришни истадим. 1966 йил Ўзбекистонда бир неча марта ер қимирлади. Шу

сабаб Россия олий ўқув юртларида ўзбекистонлик талабалар учун квоталар кўп ажратилган. Ўша пайтдаги Маданият вазири Зухра Раҳимбобоевнинг тавсияси билан санъат мактабиде бирга ўқиган тенгдошларим билан бирга Ленинград ва Москвага учиб кетдик. Ўшанда ўн етти ёшда эдим.

Санъат академиясига биринчи борганимда хужжатимни қабул қилишмади. Менинг 16-17 ёшда чизган ишларим қабул комиссиясига маъқул бўлмади. Сабаби, биз ўша пайтда К.Беход, Ботичелли, П.Пикассо каби рассомлар ижодига қизиқар эдик-да. Ишларимда профессионал ёндашув етишмаслигини, ранглар техникасидаги камчиликларни бирма-бир тушуниб беришди. Хужжатимни топширолмай, Нева дарёси бўйидаги ўриндиқда ўйланиб ўтирсам, таниш овозини эшитиб қолдим: “Ҳой Азиза сувдан нари бўл”, деган хайкириқдан хурсанд бўлиб атрофга қарадим. Шунда рассом Неъмат

Қўзибоев икки ўғли билан айланиб юрганига кўзим тушиди ва қаршиларига югуриб бордим. Хужжатимни қабул қилишмаганини айтдим. Неъмат ака ўйланиб турди-да, икки ўғлини менга топшириб, институлга кириб кетди. Ўша пайтда Н.Қўзибоев маъмур институтига аёло баҳоларга битирган, танилиб қолган пайти эди. У устози, институт ректори, академик В.М.Орешниковга: “Бадиий академия мавжуд бўлган даврдан буён бу ерга биринчи марта ўзбек кизи келибди. Фақат сиз ўзи қўллаб-қувватлашингиз мумкин, бу биринчи қалдиғоч-ку”, деган.

Хуллас, эртаси кун хужжатларимни қабул қилишди. Имтиҳонга ва ётоқхонага арақа беришди. Неъмат ака тириқчилик учун менга пул қолдирди. Устозимнинг бу яхшиликлари ҳеч қачон ёдимдан кўтарилмайди. ►6

Давоми, бошланиши 1-саҳифада

– Академиядаги таълим жараёни ўзгача кечган бўлса керак?  
– Рус тилини яхши билганим учун кўп дўстлар орттирдим. Яхшироқ ўрганишга ҳаракат қилиб, тажрибали куредошим чизса ёнида туриб, уни кузатиб ишлардим. Академияда ўқиш қийин, лекин кизиқарли бўлган. Кўпроқ Эрмитаж



Икки ҳаёт гуллари (2018).

музейида ижод қилганман. Ёш эдик, жуда кўп кўргазмаларга бориб, нимадир ўрганардик. Бизга ўз даврининг А.Серебрянов, М.Деятев, Б.Корнеев каби забардаст рассом-педагоглари сабоқ беришган. Улар том маънода самимий инсонлар эди, йиқилган талабанинг ўрнидан туришига ёрдам беришар, диплом олгунимизча эҳтиётлаб, авайлашарди.

– Ижодингизда портрет жанри етакчилик қилади. Бунинг боиси нимада?  
– Эрмитаж залларида портретлар жуда кўп эди. Шу тарихий асарлардан нусха

# Биринчи қўллардан

кўчириб, техникасини сидқидилдан ўрганиб, шаклландим. Устозларим ҳам портретнавис эди. Устозимдан “Нега фақат портрет чизасиз?” деб сўраганимда, шундай жавоб берган: “Манзарада иккита тошни, иккита дарахт шохини кўпроқ ишлаш мумкин, билинмайди. Портретда эса кўз қорачиғини бир миллиметр у ёққа ё бўёққа суриб қўйинчи, гилай, ё бурни осилиб ёки кулоғи шалпангуюлок бўлиб қолади. Портрет чизишда жуда ҳам ўткир нигоҳ керак. Образ характерини бериш учун психологияни билиш, одамни чуқур сезиш ҳамда ҳурмат қилиш лозим. Рассом, биринчи навбатда, анатомияни ўрганиши муҳим.” Ҳақиқий портрет ишлаш учун йиллар керак бўлади. Ахир, унда инсон ҳаёти, тарихи мужжасам.

– Ўтган асрнинг 90-йилларида Ёзувчилар уюшмаси залларида улуг алломалар билан бирга жадидларнинг портретлари илк бор намойиш этилган. Айтгинг-чи, Абу Али ибн Сино каби тарихий шахслар образлари қандай яратилган?  
– Абу Али Ибн Сино образини яратишда қадимги рисодалар, шеърларни

кўп ўқиганман. Шу тарихи кўз олдимида аллома образи намоян бўлган. Ибн Сино ҳаёти ва ижодига тааллуқли барча адабиётлари ўқиганимда бир ҳақиқатни тушундимки, тиббиётимизнинг отаси том маънода эрксева инсон бўлган. Темурийлар музейи учун Бобур образини яратиш керак эди. Шунда унинг тўғрисидаги тарихий асарларни ўқидим. Бобур ўзининг қалбида ҳам Алишер Навоийнинг, ҳам Хусайн Бойқаронинг феълани мужжасамлаштирган. Тарихчи Хондамирнинг ёзишича, Бобур шу билан бирга жуда катта арбоб ҳам эди. Унинг шеърларини, географияга оид асарларини мароқ билан мутолаа қилдим. Шоира Нодира образини яратишимда бир кизча прототип бўлган. Ун олти ёшдаги андижонлик кизни кўрганим замон ҳаёлимда ҳам Нодиранинг ёшлиғи жонланди. Шу киз тимсолида Нодира образини яратдим. Рауф Парфи, Муҳаммад Юсуф, олим Озод Шарфидинов ва бошқалар билан мулоқотларим натижасида уларнинг портретларини ишлаганман. Фақат Усмон Носирнинг портретини шоирнинг жияни Нодира Рашидова рағбати билан чизганман.

Оддий одамлар, меҳнатсевар замондошларим портретларини ҳам яратганман. Мисол учун, хоразмлик чўпон Раҳимаҳон портрети. Бўёқлар солинган сандиқчам билан Раҳимаҳоннинг чодирда тунаб қолганман. Уни тоғнинг юқорисидан ўсадиган чиройли, камтарин эггерс гуллаги ўхшатганман. Фақат ўзимга маъқул одамларнинг портретини ишлаганман. Буюртма асар чизмадим. Рассом қалби буюрган асарни яратиши керак, деб ўйлайман.



Бернора Қориева Анна Каренина образида (1986).

– Ранг танлаш техникасини пухта ўзлаштириш – рассом ижодининг ярим ютуғи дейишади...

– Қўлимда мўйқаламни ўйнатиш учун ўн йилдан ортик Эрмитаж музейининг бирда совуқ, бирда иссиқ хоналарида тинмай ишладим. У ердаги асарлардан нусхалар олиб, қандай бўялганигача ўрганишнинг ўзи бўлмаган. Ранг чизилганидан картинага қараб тайёрланади. Суртиш асосга боғлиқ. Маго юпка хитойи коғоз бўлса, юпка суртилари, каноркопга беш олти сидирға суртилари. Ранг шунда узок мудат сақланади.

Ижод қилиш билан бирга эллик йилдан буён талабаларга дарс бераман. Талабанинг билагидан тутиб, қўлингизни кўйиб, ўргатиш бошқача бўлади. Ҳис-туйғу қўлдан қўлга, қўздан қўзга, дилдан дилга ўтади ва бу сабоқ олишда жуда катта ёрдам беради.

Сухбатдош: Сарвара ҚОСИМОВА

Гул қўп, чаман қўп



## ПЕРСОНАЖ ЎЛЧИМЧА ҲАМДАРДУК

Ўз даврида Артур Конан Дойл сингари Агата Кристи ҳам ўзи ўйлаб топган изқуvari Эркюль Пуаросидан безор бўлиб, 1975 йилда ёзган “Парда” романида уни ўлдирди. Изқуварнинг мухлислари ва кенг жамоатчилик бундан каттиқ азият чекади. Ҳатто Америкадаги йирик нашрлардан бири – “Нью-Йорк Таймс” газетасининг биринчи саҳифасида “халқ севган” персонаж ўлими муносабати билан таъзия ҳам билдирилади.

Кристининг ўзи орадан бир йил ўтиб вафот этади.

## Агата Кристининг таҳаллуқи

Агата Кристи – ёзувчининг асл исми-шарифи, аммо у ижодининг маълум босқичида: 1930–1956-йилларда бир неча икки романлар ёзди ва уларни Мэри Вестмакот номи остида эълон қилади. Бу романларда ҳеч ким ўлдирмайди ва ўлдирилмайди. Таҳаллус эса, Агата аждодларининг исми-шарифидан олинган.

## Ҳамшира

Агата Кристи Биринчи жаҳон уруши даврида харбий госпиталда ҳамширалик қилган, шундан сўнг дорихонага ишга жойлашади. Ўша даврда ёзувчи турли тиббий дориларнинг таркиби ва уларнинг инсон организмига таъсирини синчиқлаб ўрганади. Эҳтимол, шу боисдан ҳам унинг асарларида захарлаш билан боғлиқ сахналар кўп учраса керак.

## Қасам

Энтони Беркли томонидан 1928 йилда ташкил этилган Лондон детектив клубида Англиядаги таникли ёзувчилар жамоаси йилгари эди. Клуб аъзолари ўз асарларида персонажни ўлимга олиб боровчи, аслида мавжуд бўлмаган воситаларни мухлисларидан сир тутмасликка онг ичишган (Агата Кристи асарларида бу турли хил захарлар эди). Кристи бу клубнинг фаол аъзоси бўлган, ҳатто 1956 йилдан бошлаб унга раҳбарлик қилган. Тўғри, фақат битта шарт билан: у клуб йилларида, кўпчилигининг олдига ҳеч қачон маъруза қилишни истамаган.

## Ўз қасбидан қўларди

Ҳатто бир қанча сеvimли китобларини чоп этганидан кейин ҳам Агата Кристи ҳужжатларининг “фаолият тури” деган бандига “уй бекаси” деб ёзарди. Бутун дунёга машҳур ёзувчининг уйда алоҳида ижодхонаси ҳам, ёзув столи ҳам бўлмаган.

Кристи ижодий машғулотларини шунчаки кизикниш деб санаган, чунки ёзувчиликни жиддий касб деб ҳисобламаган. У изчил ижод қилмаган, уй юмушлари орасида охинона столада ёки ётоқхонада ишлаган. Қолаверса, ёзувчи кексайганда унинг ижодий ишларига ҳеч қим халал бермаган – у ниҳоят ёлғиз ўзи қолди, ўз сўзлари билан айтганда “бутун дунёни унутган”.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси жамоаси уюшма аъзоси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист

Темур УБАЙДУЛЛАЕВнинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

### Болалар бекати

Набижон ҚОДИРОВ

## ШЕЪР ҲУКИБДИ МУСИЧА



### ТАНИҚ ҚОЛДИ

“Салом!” деди болакай,  
Йўловчи қарияга.  
Чол қаради, болани  
Мухтож деб тарбияга.

Афсусланди болакай,  
Тўлик айтмай каломни.  
Таниб қолди-ку бирдан  
Бобо Абдулсаломни.

### ТИПРАТИҚАН

Менинг исимим Типратикан,  
Баъзилар-чи “Қирпи” деркан.

Хужум қилса бирор ғаним,  
Бор бобомдан ўрганганим.

Ошаманда бир ўмбалок,  
Тикан бўлғум дум-думалок.

Ҳеч ким мени тутолмайди,  
Ёки ямлаб ютолмайди.

Тек ётмайман, ишлайман ҳам,  
Отга ўхшаб кишнайман ҳам.

Қулупнайни севиб ейман,  
Экканларга раҳмат дейман.

### ШОИР

Шеър ўқибди мусича  
“Шоир” эмиш ўзича.  
Хар қадам шеър тўқирмиш,  
Зағизгоннинг сўзича.

Чопиб келиб орага  
Лукма ташлабди Читтак.  
– Куккулайсан ландавур,  
Уялмайсанми, андак!

Атрофинга кушларни  
Йиғавермай тумонат.  
Гап билгунча иш билгини,  
Қурган ининг омонат!

### ҲАЙРАТ

Бола китоб варақлаб,  
Кўрди шимол бугусин.  
Ҳаяжондан шошилиб  
Тинчин бузди бувисин.

Бидирлайди болакай,  
Буви лол, буви қарахт.  
– Бечоранинг бошидан,  
Ўсиб чиқибди дарахт!

Қувониб кетди буви,  
Қочди қўздан уйқуси.  
Туғилганди болада,  
Ҳайрат, меҳр туйғуси.

### ОРЗУГА АЙБ ЙУҚ

Адабиёт дарсида  
Устоз ёздирди иншо.  
– Мавзу “Менинг орзуим,  
Ёзинглр қилмай хато!”

Ўйга толди болалар,  
Кимдир бошин қашлади.

Аммо Нодир шахд билан  
Иншосини бошлади.

– Генераллиқни орзу  
Қилмаган аскар эмас.  
Месси, Неймар, Роналдо,  
Суаресни ким билмас.

Катта бўлсам улардек  
Зўр футболчи бўламан.  
Машғулотда тобланиб,  
Куч-қувватга тўламан.

Меҳнату машаққатдан,  
Чўчимайман, толмайман.  
Эзгу максад йўлида  
Уринишдан қолмайман.

Улуғлаб эл шонини,  
Оқлаб тузу нонини.  
Танитаман оламга  
Ўзбекистон номини.

### ЎРОҚ ХИРГОЙИСИ

Ўроқ қилар,  
Мингир-мингир  
Куйлар чалиб  
Тингир-тингир.

Бўлсам ҳамки  
Қингир-қийшиқ,  
Ишим тоза,  
Пухта-пишиқ.  
Чалғи жоҳил,  
Феъли оғир,  
Чала ишлар,  
Аммо олғир.  
Мени асло,  
Кўролмайдим,  
Чунки мендай  
Ўролмайдим!

## ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ ХАБАРЛАРИ

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Адабий танқид кенгаши фаолиятининг 2022 йил якунига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Унда уюшма вакиллари, ёзувчи, шоирлар, адабиётшунослар ва ёшлар иштирок этди.

Адабий танқид кенгаши раиси Нурбой Жабборов ўтган даврда адабий жараён, танқид ва адабиёт назарияси, мумтоз адабиёт таҳлилига оид қирқдан зиёд китоб, икки юзга яқин мақола, учта адабий портрет, ўндан ортик илмий монография чоп этилганини қайд этди. Узок Жўрақулов адабий танқидга доир китоблар, Машҳура Шералиева адабий танқидий мақолалар, Нафас Шодмонов мумтоз адабиётга оид китоблар ва мақолалар юзасидан маъруза қилишди.

Бадий публицистика кенгашининг 2022 йил якуни бўйича Ёзувчилар уюшмасида бўлиб ўтган ҳисобот йиғилишида ўтган йили матбуотда эълон қилинган бадий-ижодий публицистикага оид мақолалар, тўпلامлар муҳокама қилинди. Айниқса, телеканалларнинг туркум кўрсатувлари томошабинда у ёки бу мавзу, муаммога нисбатан фикр уйғотиши, ёшларни қанчалик бадий асарлар оламига қорлаши қиёсий таҳлил қилинган аҳамиятлидир. Олимжон Тошбоев, Тўлқин Эшбек, Маъмура Зоҳидованинг долзарб мавзулардаги маърузалари иштирокчиларда катта кизиқиш уйғотди.

Шунингдек, Драматургия кенгаши ҳисобот йиғилишида бугунги кун драматургиясининг муҳим масалаларига бағишланган муҳокамалар ўтган йили бу йўналишда салмоқли ишлар қилинганини кўрсатди. Жумладан, ҳисобот даврида Кенгаш томонидан ўн бешдан ортик турли драматик асарлар кўриб чиқилган, сценарийларга тақризлар ёзилиб, тегишли тавсиялар берилган.

“Адиблар хиёбони”да атоқли ижодкор, Ўзбекистон халқ шоири Зулфия таваллудига бағишланган тантанали тадбир бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Зулайхо Маҳкамова, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиiddин Саййид, Республика Маънавият ва маърифат маркази раҳбари ўринбосари Муҳтарам Улугова, фаол хотин-қизлар, ижодкорлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон Қаҳрамони Озод Шарфидинов таваллудининг 94 йиллиги муносабати билан таникли адабиётшунослар, адибнинг шоғирлари, адабиёт ихлосмандлари ва талаба ёшлар Адиблар хиёбонида жам бўлишди.

Академик Наим Каримов адибнинг бой адабий мероси, ўзига хос маҳорат мактаби ва бу мактабнинг ўзбек адабий танқидчилигида тутган ўрни хақида тўхтади. Илик хотиралар ёдга олинди.

Таржима ижодий кенгашининг 2022 йилдаги фаолияти таҳлилига бағишланган ҳисобот йиғилишида ўтган йил Тоҳир Қахҳор, Карим Баҳриев, Шермурод Субҳон, Хумоюн Ақбар каби ўнлаб ижодкорлар фаол бўлгани қайд этилди. “Туркий адабиёт дурдоналари” 100 жилдлик асарлар мажмуасининг нашр этилгани эса йилнинг энг муҳим воқеаси бўлди.

Кенгашга келиб тушган бир қатор таржима асарлари кўриб чиқилди. Ёзувчи Рисолат Ҳайдарова рус тилидан она тилимизга ўтирган асарлар 2022 йилнинг энг яхши таржималари, деб эътироф этилди. ТУРКСОЙ ташкилоти ва Венгриядаги Лекителек мактаби ҳамкорликда ўтказган Шандор Петёфи шеърларининг энг яхши таржимасига бағишланган халқаро танловда Қорақалпоғистон халқ шоири Рустам Мусурмон ғолиб деб топилди. Таржима кенгаши ва Русийзабон адабиёт шўъбаси ҳамкорлигида “Дўрмон баҳори” адабий форуми ҳамда уюшма аъзоси Галина Долгая, АҚШлик серб шоири Геке Маринай китобларининг тақдими ўтказилди.



## O'zbekiston adabiyoti va san'ati

Манзилмиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32.  
Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru



Муассис:  
ЎЗБЕКISTON  
ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳамқоримиз:



Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи  
Хумоюн АҚБАРОВ

Тахриратга келган кўғезмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Масъул қотиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ  
Навбатчи муҳаррир: Шуҳрат АЗИЗОВ  
Саҳифаловчи: Ниғора ТОШЕВА

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbотот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.  
Адади - 1133. Буюртма Г - 338.  
Ҳажми - 3 босма табоқ, А - 2.  
Нашр кўрсаткичи - 222.  
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

ЖУМА КУНЛАРИ  
ЧИҚАДИ  
Сотувда нархи эркин.



Босишга топшириш вақти - 21.00.  
Босишга топширилди - 21.35.

